

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, 24 апрель, жума № 17 (2300). Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, 24 апреля, 2009 год, № 17 (2300). Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу — цена договорная

АРМИЯМИЗНИ ЗА-
МОНАВИЙ ТУРДАГИ
ҚУРОЛ-ЯРОҒ ВА ҲАР-
БИЙ ТЕХНИКА БИЛАН
ҚУРОЛЛАНТИРИШ ЎТА
МУҲИМ ВАЗИФА
БЎЛИБ, АЙНАН ШУ-
НИНГ ҲИСОБИДАН АР-
МИЯМИЗНИНГ ТЕЗКОР-
ЛИГИ ВА ҲАРАКАТЧАН-
ЛИГИ, ЗАРУР ЖАНГО-
ВАР ҚУДРАТИНИ ТАЪ-
МИНЛАШ МУМКИН.

Ислом КАРИМОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида жаҳон молиявий инқирози шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил қилинган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, иқтисодчи олимлар, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотгани алоҳида таъкидланди. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ва унинг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар ҳамда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўллари чуқур таҳлил қилинган, аниқ кўрсатиб берилган.

Йиғилишда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга салбий таъсирининг олдини олиш борасида ҳукуматимиз томонидан кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Ортимизда фуқаролар фаровонлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида юртдошларимиз жаҳон иқтисодий инқирози таъсиридан ҳимояланган. Унинг таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш учун барча шарт-шароит яратилганлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури мулкдорлар, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, асосий озиқ-овқат ва истеъмол моллари нархини сезиларли даражада пасайтиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

ШОИР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ


Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган турли учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ўтган илмий-амалий анжуманда шоирнинг ҳаёти ва ижоди, бой маънавий мероси, унинг ёшлар камолоти, таълим-тарбиясида тутган ўрни ҳусусида сўз борди.

Иброҳим Юсупов қорақалпоқ адабиётида ўзига хос мактаб яратган истеъдодли шоирлардан бири эди. У ўз асарларида Оролбўйи халқларининг ҳаёт тарзи, маданияти, тарихи, анъана ва урф-одатларини тараннум этди. Адабий фаолияти давомида Алишер Навоий, Ҳайне, Шиллер сингари буюк шоирларнинг ўлмас асарларини қорақалпоқ тилига ўғирди. Унинг кўплаб шеърлари, дostonлари, драмалари халқимизнинг маънавий мулкига айланган.

Анжуманда шоир қаламига мансуб шеърлардан намуналар ўқилди, драматик асарларидан парчалар намоиш этилди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.



Баҳром АБДУРАХИМОВ суратга олган.

Ҳар синовда янги ютуқ, Ғалаба

ШУ СОНДА

• Қодирали бобонинг ҳарбийдан қайтган набираси	7	• Забил в одном матче 18 голов	15
• «Энг яхши ошхона»	9	• Жаҳон рақамли кутубхонаси	16
• Бунни муҳаббат дейдилар	10	• Муҳаммад Юсуфни хотирлаб	19
• Ўқ ўтмас шлем	11	• «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари	22
• TV дастур	12-13	• Ҳарбий оркестрларнинг байрам концерти	24



5 ДОПОДГОТОВКА ВОДИТЕЛЕЙ
ЗАБОТЯСЬ О ПОВЫШЕНИИ МАСТЕРСТВА



6 ASKAR
BILIM VA MAHORAT SHAKLLANMOQDA



8 ТАШЛОВ
ОЙЛАМ — ГУЛШАНИМ, ВАТАНИМ — ШАЪНИМ



24 МАДАНИЯТ
МУСИҚАГА ОШНО БУ ҚАЛБЛАР

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

ДОСТАТОЧНЫЙ ЗАПАС ПРОЧНОСТИ В УСЛОВИЯХ КРИЗИСА

В эти дни многомиллионная общественность нашей страны, представители деловых, дипломатических кругов, политические партии, политологи и экономисты, государственные деятели зарубежных стран продолжают знакомиться с книгой Президента Ислама Каримова «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана». Об этом небольшом по объему, но емком по содержанию произведению говорят заинтересованно, страстно. Все это вполне естественно и объяснимо, потому что новая книга Ислама Каримова является не просто важнейшим событием сегодняшней общественно-политической жизни, но и огромным вкладом в разработку проблем экономики Узбекистана и всего мира в условиях жесточайшего финансово-экономического кризиса.

Сегодня, спустя почти год, этим занимаются все, начиная от государственных деятелей и финансовых магнатов до представителей малого бизнеса и частного предпринимательства. Все отягощены одним — как выжить с наименьшими потерями в это трудное время, как смягчить последствия кризиса. Но подходы у всех разные. Запад во главу угла положил принцип спасения крупнейших экономических монополий и банков. И это в условиях всенарастающих социальных потрясений, вызванных ростом безработицы, галорирующей инфляцией и другими проявлениями кризиса. У нас в основу борьбы с кризисом положен социальный принцип — в условиях кризиса обеспечить рост жизненного уровня населения. Кто-то может сказать, что у нас укрепляются банки. Верно, но в основе этого укрепления лежит не только их спасение, а прежде всего сохранения их платежеспособности по вкладам населения и способности инвестирования в экономику страны. Каковы основные особенности, выводы и факторы, смягчающие последствия кризиса.

Первое. Сегодня уже никто не сомневается в глобальном характере и огромных масштабах кризисных процессов. В эпоху глобализации иначе и быть не могло. В результате этого — неизбежность рецессии, экономического спада, свертывания объемов инвестиционной активности, снижения спроса.

Сразу оговоримся — наша страна, благодаря мудрой политике Президента Ислама Каримова, его дальновидности и предусмотрительности, не только избежала этих явлений, но и обеспечила в прошедшем году рост ВВП на 9 процентов, а промышленное производство увеличилось на 12,7 процента. У нас наблюдается не свертывание инвестиционной активности, а ее увеличение, не снижение объемов международной торговли, а расширение ее масштабов и устойчивый рост уровня жизни населения. В частности, на текущий год предусмотрено увеличение размеров заработной платы, пенсий, пособий и стипендий более чем на 40 процентов.

Второе. Кризис вскрыл серьезные пробелы в существующей мировой финансово-банковской системе, обострил необходимость ее кардинального реформирования и усиления контроля за деятельностью банков, которые, как показал кризис, обслуживали в основном свои корпоративные интересы и увлеклись различными спекулятивными операциями на кредитном рынке и рынке ценных бумаг.

«В Узбекистане, — пишет автор, — созданы достаточный запас прочности и необходимая ресурсная база для того, чтобы обеспечить устойчивую и бесперебойную работу нашей финансово-экономической, бюджетной, банковско-кредитной системы, а также предприятий и отраслей реальной экономики».

Кризис, как известно, обострил проблему ликвидности банков, то есть обнаружилась катастрофическая нехватка денежных средств. А что у нас? «Сумма активов коммерческих банков Узбекистана, — написано в книге, — составляющая сегодня с учетом сформированных в соответствии с Законом «О гарантиях защиты вкладов граждан» резервов, превышает 13 триллионов 360 млрд. сумов, или примерно в 2,4 раза превышает объемы привлеченных депозитов и населения, и хозяйствующих субъектов».

Например, «Микрокредитбанк», созданный в 2006 году, имеет на территории республики 78 филиалов и более 270 мини-банков. Со дня основания сумма активов банка увеличилась в 3,5 раза, объем кредитования возрос в 4 раза. На эти цели направлено свыше 150 млрд. сумов. Уставной фонд банка согласно постановлению Президента уже в период кризиса повышается на 72 млрд. сумов и составит 150 млрд. сумов.

Сегодня многие государственные и политические деятели различных стран говорят о необходимости реформирования финансово-банковской системы при этом ссылаются на продуманность управления государством, взвешенность финансово-экономической политики Узбекистана, жизнеспособность «узбекской модели» развития и ведущую роль государства как главного реформатора. Так, государственный министр Бельгии Марк Эйкенс подчеркивает, что «банковская система Узбекистана менее затронута воздействием мирового финансового кризиса», потому что, «банки Узбекистана выдают кредиты на обремененных условиях», что «банки Узбекистана надлежащим образом капитализированы». А книга И. А. Каримова «свидетельствует о персональном вкладе Президента вашей страны, а также его концепциях, которые я считаю исключительно компетентными».

Третье. Глубина и последствия финансово-экономического кризиса в каждом отдельном государстве будут во многом зависеть от прочности финансово-валютной системы, капитализации и ликвидности национальных кредитных институтов, их зависимости от иностранных банковских структур, размеров золото-валютных резервов и способности оплачивать зарубежные кредиты, в конечном счете — от уровня устойчивости, диверсификации и конкурентоспособности экономики страны. Узбекистан за годы независимости зарекомендовал себя как надежный и платежеспособный партнер, у нас созданы практически беспрецедентные условия для привлечения иностранного капитала. И как следствие этого, ставка делается на новейшие технологии, инновации, которые ускоряют процесс диверсификации экономики.

Пример Узбекистана поучителен, и многие страны уже берут его на вооружение в борьбе с кризисом. Как пишет главный коммерческий директор британской энергетической компании «Tethys Petroleum Ltd» Дж. Хаммонд, «Весь мир сейчас осознает, что баланс между государством и свободным рынком должен поддерживаться в свете обеспечения наиболее эффективных и долгосрочных выгод любой экономики, в большой степени, как это делает Узбекистан».

Четвертое. Скорейший выход из мирового финансового кризиса и смягчение его последствий, пишет глава нашего государства, во многом зависит от эффективности и согласованности принимаемых мер в рамках отдельных государств и мирового сообщества в целом. На Лондонском саммите «двадцатки» стороны договорились до конца будущего года выделить дополнительно на борьбу с финансовым кризисом сумму от 2 до 5 триллионов

долларов. На что международные финансовые рынки отреагировали уверенным ростом биржевых индексов. Но победу праздновать рано. Это еще не тенденция, а лишь всплеск, эйфория. Борьба с кризисом еще впереди. Одними финансовыми вливаниями да еще неизвестно по каким направлениям, проблемы борьбы с мировым финансовым кризисом не решить. Тем более, что кризис не чисто финансовый, а финансово-экономический. Чтобы противостоять кризису надо всесторонне изучить его причины, масштабы и глубину, чтобы вести наступление по всему фронту, так, как это сделал и делает Президент Узбекистана.

Главный коммерческий директор британской компании, названный выше, особо подчеркивает: «Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов заслуживает высокой оценки за проводимую им продуманную политику. Мы зачастую не замечаем хорошо или плохо развиваются те или иные страны до тех пор, пока не увидим, в какой степени они оказались затронутыми кризисом. В этом отношении Узбекистан сегодня уверенно движется в своем развитии вперед и перед ним открывается прекрасное будущее».

Читая книгу, обратите внимание: автор никому не навязывает свои идеи. Он говорит лишь о своей стране и о мерах, принимаемых в республике, но проблемы поднимает глобальные. И как ни парадоксально, вытекают они из нашей Антикризисной программы и из наших антикризисных мер, осуществленных нами еще до кризиса. Из чего исходит Президент Ислам Каримов? Из того, что мы, как и все мировое сообщество, живем не одним днем. А значит, речь должна идти, и это касается любого государства, не только о минимизации последствий кризиса, но и о всеобъемлющей, всеохватывающей, глубоко продуманной и обоснованной программе мер, обеспечивающих устойчивость, сбалансированность, оптимальные темпы роста и функционирования всей финансово-экономической системы, как в период кризиса, так и в посткризисный период.

Что здесь имеется в виду? Прежде всего качественные структурные преобразования в экономике и банковско-финансовой системы. Усиление роли государства. Надежная капитализация банков и высокий уровень достаточности капитала. Не снижающийся приток инвестиций. Прочные золото-валютные резервы. Создание новых рабочих мест. Усиление внимания к малому бизнесу и частному предпринимательству. Расширение базы льготного кредитования и преференции в налогах. Все — что будет работать на национальные интересы государства, укрепление его экономической мощи, на повышение жизненного уровня народа. И, пожалуй, главный ключевой момент — объединение усилий, как это сделано в Узбекистане, всех государственных и общественных структур, политических партий и негосударственных некоммерческих организаций, всех граждан для выполнения национальной программы.

Более того, такие принципы, вытекающие из «узбекской модели» развития, как государство — главный реформатор, приоритет экономики над политикой, верховенство закона тоже имеют международное значение, потому что именно они лежат в основе экономического роста государства, который, в свою очередь, служит надежной базой сильной социальной политики и последовательного продвижения общества и государства вперед к намеченной общенациональной цели.

Алфим ХЛЫЗОВ.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР АНЖУМАНИ

Марказий офицерлар саройида Республика ҳарбий прокуратурасининг ёш мутахассислари иштирокида амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманида Республикаси ҳарбий прокуратурасининг биринчи ўринбосари адлия подполковниги Еркул Сафаров кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида бугун тизимда олиб борилаётган изчил ислохотлар, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг масъулияти, ёш мутахассисларга кўрсатилаётган эътибор ва улар олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди. Анжуманда кўнлаб олимлар, тажрибали мутахассисларнинг чиқишлари, мазрузаларнинг кўргазмалари воситалар билан тайёрланганлиги тип-

ловчиларда катта тасурот қолдирди. Хусусан, Банк-молия академиясининг халқаро молия институтлар кафедраси мудирининг доктори, профессор Тўлқин Расулловнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий ниқрози» деб номланган мазрузаси, Тошкент вилояти назорат тафтиш бошқармаси бошчилигининг ўринбосари Улуғбек Ялғашов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбарининг ўринбосари Шавкат Тўраев, Мирзо Улуғбек номидаги Узбекистон Миллий университетининг алоққунослик кафедраси мудирининг Баҳодир Хусановларнинг мазрузаларининг алоҳида таъкидлаш мумкин. Муҳими шундаки, ама-

лий анжуман доирасида маданый-маърифий тадбирлар ҳам амалга оширилиб, иштирокчилар Миллий академик драма театрида бўлишди, пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишишди.

Бўлиб ўтган тадбир юзасидан иштирокчилар куйидаги фикрларини билдирдилар.

Адлия катта лейтенанти Қахрамон ИСРОИЛОВ:

— Амалий машғулотлар барчамиз учун қизқарли бўлди. Биз каби ҳарбий прокуратура органларида эндигина иш бошлаган ёш мутахассислар учун бундай сермазмун тадбирлар катта аҳамиятга эга.

Адлия лейтенанти Фарруҳ ЖУМАЕВ:

— Катта таассуротлар билан қайтганман. Ҳар бир машғулотда соҳанинг етук мутахассислари иштирок этганлиги тадбир самарадорлигини янада оширди. Назарий машғулотларнинг амалиёт билан уйғунлигида олиб борилганлиги билимимизнинг янада мустаҳкамланганига салмоқли ҳисса қўшди, деб ўйлайман.

Адлия лейтенанти Маҳаммаджон БОЗОРМИРЗАЕВ:

— Мазкур тадбирини ўзига хос тажриба алмашув, десак ҳам бўлади. Ҳуқуқ-тартибот органларида узоқ йиллар ишлаб, тажриба орттирган мутахассисларнинг машғулотлари ҳақида айнан шу фикрни билдириш мумкин. Бу соҳада эндигина хизматини бошлаганимиз сабабли бизни қизиқтирадиган саволлар кўп бўлиши табиий. Биз саволларимизга етарли жавоблар ола билдик. Ана шу жиҳатлари билан ҳам бу каби анжуманлар биз учун муҳим аҳамият касб этади.

Амалий анжуман сўнггида ёш мутахассислар ўтилган машғулотлар юзасидан тест сновлари топширдилар.

Адлия капитани Лазизбек ЭРДОНАЕВ,
Узбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасининг ёрдамчиси



ТАНЛОВ

ОЗОДАЛИК, САРАНЖОМ-САРИШТАЛИК КЎРИГИ



Қуролли Кучлар Академияси тингловчилари оилавий ётоқхонасида «Энг яхши ошхона» танлови бўлиб ўтди.

Сир эмаски, азал-азалдан хонадондаги ошхона аёлнинг юзи бўлиб келган. Совчилар қайси бир оиланинг қизини сўраб боришмасин, фурсат топиб албатта хонадон ошхонасини, ўзбекона айтганда, «ўчоқ бошини» кўздан кечириб, бўлажак келинга баҳо беришган. Момоларимизнинг донолигини қарангки, ошхона озиқ-овқат билан боғлиқ жой бўлганлиги учун биринчи навбатда унинг озодалиги, саранжом-саришталигига эътибор қаратилган. Замонавий тил билан айтганда, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилган. Ошхонани покиза сақлаган аёл эса шубҳасизки, хонадон озодалиги ва тартиб-интизомига масъулдир. Шунини инобатга оладиган бўлсак, Қуролли Кучлар Академиясининг тарбиявий ишлар бўлими ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошчилигида амалга оширилган бу анъанавий танлов катта аҳамиятга эга, десак арзийди. Айниқса, ҳарбий хизматчиларимиз оилалари билан истиқомат қилаётган ётоқхоналар ошхонаси доимий назоратда туриши лозим. Чунки бу ошхоналарда бир неча ўйлаб хонадон вакиллари оила аъзолари учун овқат тай-

ёрлашади. Албатта, уларнинг ҳар бири шу ернинг озода ва покизалигига, ошхонада ўрнатилган жиҳозларнинг асраб-авайланишига масъулдирлар.

Биз юқорида танловга анъанавий дея таъриф бериб ўтдик. Келинг, бу борада яхшиси академия ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи Венера Забарова изоҳ бериб ўтсин.

– Академия тингловчиларининг оилавий ётоқхонасида бу йил учинчи марта «Энг яхши ошхона» танловини ўтказаямиз. Бундан кўзланган мақсад ошхоналарда тозалikka, санитария-гигиена қоидаларига эътибор қаратиш, ҳарбий мулкни, ошхона жиҳозларини асраб-авайлашдан иборат. Шубҳасизки, ошхоналар покизалиги саломатлик гарови. Ҳарбий оила аъзоларининг саломатлиги эса биз учун жуда муҳимдир.

Ошхоналарни подполковник Уктамжон Асланов (ҳайъат раиси), подполковник Холдорали Юлдашев ва Қуролли Кучлар хизматчиси Галина Ивановадан иборат ҳайъат аъзолари баҳолаб бордилар.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир ошхонага ўзига хос тарзда безатилган. Тўғрироғи, танловга астойдил тайёргарлик кўрилган. Ялтираб турган электр плиталар, таомлар ва салатлар тайёрлаш усул-

лари қайд этилган китоблар, сув ва электр токини тижаш ҳақидаги йўриқномалар, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш столлари, хуллас ошхонани яшатиб турган гуллару ҳарир пардаларга қадар дид ила эътибор қаратилган. Баъзи бир ошхоналарда эса ўтган йилги танловда тақдим этилган «Фахрий ёрлиқ»ларни ҳам кўриш мумкин. Ҳайъат аъзолари ҳар бир ошхона билан танишиб, бу ерда қилинган ишларни синчковлик ила кузатиб, ўринларни эълон қилди.

Шундай қилиб «Энг яхши ошхона» танловида биринчи ўрин ётоқхонанинг тўртинчи қаватидаги иккинчи ҳамда биринчи қаватдаги биринчи ошхоналарга берилди. Голиб ва совриндорларга «Фахрий ёрлиқ»лар билан бирга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Шу билан бирга ётоқхонадаги жамоат ишларида фаол бекалардан Нодира Аҳмадалиева, Гулмира Матёкубова, Зера Исаева, Гулмира Маматжоновна, Хадичахон Қодироваларга академия ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими томонидан «Фахрий ёрлиқ»лар топширилди.

– Танловда бизнинг ошхонамиз биринчи ўринни эгаллади, – дейди ҳарбий оила бекаси Зера Исаева. – Бундан ниҳоятда мамнунмиз. Негаки, ошхонамизда қатъий навбатчиликни йўлга қўйганмиз. У ерни доимо тоза ва тартибли сақлашга ҳаракат қиламиз. Саъй-ҳаракатимиз муносиб баҳоланганидан барчамиз хурсандмиз ва ошхонамизга бундан кейин ҳам эътиборли бўламиз.

Ўрни келганда Қуролли Кучлар Академияси тингловчилари истиқомат қилаётган ётоқхона ва у ерда олиб борилаётган ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Ушбу гўшага кўп йиллардан буён Венера Салямова етакчилик қилиб келмоқда. Бу ерда барча сеvimли байрамларимиз тантанали ўтказиб келинади. Шунингдек оила, саломатлик ва озодалик билан боғлиқ давра суҳбатлари, академия битирувчиларининг кузатув тадбирлари, маданий-маърифий кечалар амалга оширилади. «Энг яхши ошхона» танлови ҳам мана шундай тадбирлар сирасидандир. Уйлайманки, тартиб ва озодалик, санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш, ҳарбий мулкни асраш, энг асосийси, ҳарбий хизматчиларнинг оиласи учун яратилган шарт-шароитларини яхшилашга ундовчи бу танлов ҳар бир ётоқхонада амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ВАТАН ИЧРА КИЧИК БИР ВАТАН

Оилага кишилик жамиятининг мукамал ижоди, дея таъриф берилади. Чунки энг гўзал инсоний туйғулар, мана шу қутлуғ маконда шаклланади, сайқал топади. Бунинг учун эса ҳар бир оилада соғлом муҳит қарор топса, билимли, яхши хулқли фарзандлар камолга етади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, хонадонда соғлом турмуш тарзини яратиш – бу аввало меҳру садоқат, сабру қаноат, ишонч ва ҳурмат туйғуларига таяниш демакдир. Айниқса, хизмат бурчи сабаб турли гўшаларда, турли шароитларда истиқомат қилаётган ҳарбий оила вакиллари учун бу жуда муҳим. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда кейинги пайтларда Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий оилалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар орасида барчага ўриак бўладиган намунали хонадонлар сафини кўлайтириш мақсадида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири анъанага айланган, «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловидир.

Тошкент ҳарбий округида ўтказилган танлов нафақат қатнашчилар, балки томошабинлар учун ҳам ўзига хос, сермазмун кечди. Танловга Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Муҳаббат Шоюнусова, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими бошлиғи Гулсанам Ваҳобова, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Ойниса Нодирова ҳамда офицер Мурод Рўзиевлар ҳакамлик қилдилар.

Биринчи шарт таништирув деб номланиб, иштирокчилар ўз оилалари ҳақида маълумот бердилар. Ушбу шартни бажариш чоғида оилавий жамоалар бир-бирини такрорламайдиган услубда, яъни кимдир шеър айтиб, баъзилари эса юморга бой сахна кўринишлари орқали йиғилганларга маълумот беришди. Ушбу шартда Мусаевлар ва Ибрагимовлар оиласининг чиқишларини томошабинлар хушнудлик билан кутиб олишди. Мусаевлар оиласининг жажжи аъзолари Рушана ва Шоҳжаҳонларнинг қўшиқ ва рақслари эса юракларга завқ бағишлади.

Иккинчи уйга вазифа шартида иштирокчилар ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, бўш вақтларида қандай юмуш билан машғул бўлишини намойиш қилишлари лозим эди. Сержант Жўрабек Ибрагимовнинг ижодига мансуб тасвирий санъат асарлари ҳакамлар ҳайъати томонидан энг яхши деб баҳоланди. Унинг рафиқаси Лобархон эса сўзана, палак, ёстиқ жилд каби миллий каштачилик буюмларини тақдим этди. Шу ўринда капитан Шухрат Абдуғаниевнинг рафиқаси Зоҳиданининг тиккан замонавий парда намуналарини ва бисер билан бе-

зак берилган кийим-кечакларини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Сержант Руслан Мусаев эса қисқа вақт ичида сахнада мева ва сабзавотлардан мазали салат тайёрлаб, пазандалик бобидаги маҳоратини кўрсатди.

Учинчи шарт сахна кўриниши деб номланиб, унда ҳар бир оила кундалик турмушда учраб турадиган оилавий муаммолар, ҳаётда содир бўладиган қизиқарли воқеа-ҳодисаларни талқин қилишди. Худди моҳир актёр ва актриса каби роль ижро этган жуфтликларнинг маҳорати томошабинларнинг гулдурас қарсақларига сабаб бўлди.

Савол-жавоб шарти. Ҳар соҳадан бир шингил деганидек, бу босқичда қатнашчилар тиббиёт, миллий қадриятларимиз, Умумҳарбий низомлар, фарзанд тарбияси каби турли соҳага оид саволларга зукколик ва билимдонлик билан жавоб беришди.

Хонанда Қундуз Тўйчиева ва Чирчиқ маданият уйи, гарнизон офицерлар уйи ҳаваскор хонандалари томонидан тақдим этилган тароналар ва рақслар тадбирга ўзгача тароват бағишлади.

Ниҳоят, ҳаяжонга бой дақиқалар етиб келди. Якуний натижалар эълон қилиниб, кўрик-танловнинг Республика босқичига йўл олган Мусаевлар оиласига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Иштирокчи оилалар «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят бўлими, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва гарнизон офицерлар уйи томонидан тақдирланишди.

Гулнора МУРОДОВА,
Аббос УЛУҒҲЎЖАЕВ суратга олган.



ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

БУНИ МУҲАББАТ ДЕЙДИЛАР

Уруш тугаган дастлабки йиллар. Фронт ортида асосий куч саналган қиз-жувонлар, ўсмир йигитлар кечаю кундуз далада тинмайди. Баҳорги ер текислашдан тортиб, бугдой ўрими, пахта йиғим-теримигача шулар зиммасида. Меҳнат оғир бўлишига қарамай, далаларда қизларнинг гоҳ нолали, гоҳида шўх қўшиқлари қулоққа чалинади. Айниқса, қизлар сардори бўлган Қундузхон куйлаганда ҳатто, қўшларнинг ҳам жимиб қолиши рост. Унинг дардчил қўшиқлари ҳамон фронтдан қайтмаётган бўлажак умр йўлдошига аталганини ҳамма яхши билади. Адҳамжон далада қандай иш билан машғул бўлмасин, Қундузхонга яқинроқ жойда ишлашга ҳаракат қилар, узун кўйлак устидан сиқма камзул кийиб, этагининг барини ўпиб турадиган қўнғироқ сочларини бошига чамбар қилиб олган қизнинг енг шимариб ишлашини меҳр билан кузатарди. У кечаю-кундуз хаёлида бўлган Қундузхоннинг ёши ўзидан анча катта эканлигини хаёлига ҳам келтирмасди, ҳатто.

– Қандолатхоннинг қизи Қундузхонга узоқ қариндошларидан совчи келибди яна, – кечки овқатдан сўнг, дастурхон йиғиштираётган онасининг отасига айтаётган гапи Адҳамжонни сергаклантирди. – Шу сафар совчиларга розилик беришади, шекилли. Аммо, бўлажак куёвболани анча олис қишлоқдан дейишди.

Адҳамжоннинг юрагига муҳаббат оташи тушганида эндигина ўн беш ёшда эди.

– Қишлоқнинг олди қизи эди. Аввало шу ерда қолганда яхши бўларди-ю, тақдир экан-да, – афеус билан ух тортди отаси. – Унаштирилган йигити Содиқжон уч йил армия хизматини ўтаб, энди юртга қайтман деганда уруш бошланганини қара. Мана, ғалабага ҳам икки йилдан ошди. Тирик қолганларнинг ҳаммаси фронтдан қайтди. Содиқжондан эса ҳамон дарак йўқ.

– Нимасини айтасиз дадаси, Содиқжоннинг йўлига ўн йил кўз тикди қиз шўрлик. Ўзи бу йил йигирма олтида экан. Совчиларга энди розилик бермаса, қариқиз бўлиб ўтириб қолади, ахир. Урушнинг касофати билан шундоғам юртда йигитлар оз бўлса.

Адҳамжон тун бўйи кўзи илиндими-йўқми, англай олмади. Саҳаргача кўрпа ичида илондек тўлғаниб чиқди. Ишқ аталмиш кўҳна синоатнинг жонтиг азобига илк бора дуч келиб турганида у. Муҳаббатнинг ҳажру ситамларида тобланиб улгурмаган ўсмир юраги бу дард олдида ожиз эди. Тонг отиши биланоқ Қундузхонга севгиси ҳақида гапиришни жазм қилган йигитча ерга ёруғ тушиши билан далага отланди. Ранги афтодаҳол ўғлининг нонушта ҳам қилмай кетаётганини кўрган она орқасидан ҳай-ҳайлаганича қолаверди.

Қундузхоннинг унаштирилиши эрталабданоқ даладаги қизу-жувонлар суҳбатининг асосий мавзуси бўлди. Бироқ чехраси сўлғин, кайфиятсиз қизнинг бўлажак никоҳдан мамнун эмаслиги кўриниб турар, атрофидаги дугоналари ҳам унга ортиқча ҳазил-ҳузул қилишга ботина олишмасди.

Кўксидаги дардни билдириш учун Қундузхоннинг холи қолишини кутиб, ўзини қўярга жой тополмаётган Адҳамжон тушга яқин хаёл суриб ёлғиз ўтирган қизга яқинлашди.

– Қундузхон опа, сизда гапим бор эди, – ҳаяжонланганидан қалтираётган бармоқларини қаттиқ мушт қилган ҳолда гап бошлади у.

– Қандай гап экан? – бир нуқтага тикилганча, хаёл аралаш сўради қиз.

– Мен сизни жуда яхши кўраман, – бор журъатини қўлга олиб дил изҳорини соддагина қилиб айтди, товушигача титраб турган ошiq.

– Менам сени худди укамдек яхши кўраман, – йигитнинг ҳолатига эътибор бермай, ҳазин оҳангда жавоб қайтарди Қундузхон.

– Йўқ, мени яхши тушунмадингиз. Мен сизни ошiqлардек севаман, сизга уйланмоқчиман.

Уйқудан чўчиб уйғонган одамдек Қундузхон ҳайрат билан кўзларини катта очиб Адҳамжоннинг қизариб кетган юзига термулди.

– Вой жиннivoй-ей, бу нима деганинг, – бирор кимса эшитиб қолмадимкан, деган хаёлда атрофига қараб қўйди у. – Уйлаб гапиряпсанми?

– Илтмос, ўша йигитга розилик берманг. Онам сизларникига совчиликка боради, – йиғлаб юборгудек бўлиб ялинарди бечора ошiq.

– Бу гап шу ерда қолсин. Менинг учинчи укам билан ёшинг тенглигини унутма, Адҳамжон. – Қундузхон шашт билан ўрнидан туриб дугоналари томон юрди-ю, зорланиб турган ошiq йигитчага раҳми келдими, ҳар қалай:

– Йиғласам хўрозқанд олиб беради, десанг янглишасан, тентаквой, – деди маюс жилмайиб.



Қизнинг сўнгги самимий гапи унинг юрагидаги умид чўғини янада алангалатди. Қундузхондан ажраб қолмаслик учун ҳамма нарсага тайёр турган Адҳамжон бу ҳақда онасига айтиш учун ўзида журъат топди.

Ўғлининг дардини эшитиб онаси Муҳаррамхон ая ҳушини йўқотаёзди. Узоқ йиллик фарзандсизликдан сўнг дунёга келган кўзининг оқу қораси ўзидан ўн бир ёш катта қизга уйланишини хаёлига сиғдира олмасди.

– Ҳушингни йиғиб ол, ўғлим. Бу оҳ-воҳларингни ҳаммаси ўткинчи. Бу гапни мен эшитдим, бошқа бирор кимса эшитиб қолмасин, қишлоқда шарманда бўламиз. Вақти-соати билан ўз тенгинга кўнгил қўясан ҳали.

Адҳамжон эса Қундузхонга ошiqлигини ҳеч кимдан яширишни истамас, уни ўзгага бериб юбормасликлари учун ҳамон нажот йўлларини изларди. Бироқ бу ҳаракатлари эвазига отаси Фуломжон ака-ю, барча яқин-йироқларидан фақат насиҳат ва танбеҳ эшитарди йигит. Шундай қунлардан бирида қишлоқнинг энг сулув қизи Қундузхон нолали ёр-ёр садолари остида узоқ қишлоққа келин бўлиб кетди. Ўзини оловдек ҳар томонга уриб юрган чорасиз Адҳамжон бир зумда гунг одам сингари ҳиссиз ва девонавор йигитга айланди.

Ўғилларидан бу қадар мажнуликни кутмаган ота она узоқ вақт бунинг жабрини тортишди. Уни ўзлигига қайтариш учун шифокору табибларнинг минг бир даво усуллари кўмга сув қуйгандек без кетарди.

Қунлар, ойлар ўтиб, тўрт йил деганда унинг ҳушини ўғирлаган Қундузхон эридан бева қолиб икки фарзанди билан ота уйига қайтиб келди. Бу воқеа мажнун йигитга чақмоқдек таъсир қилди. Ундаги ўзгарини фарзанд доғида куйиб юрган ота-она дарҳол сездди. Адҳамжонда илгаригидек ўзига эътибор, тил-забон, ғайрат кундан-кун намоён бўла бошлади. Буларнинг барчасига Қундузхон сабабчи эканлигини Муҳаррамхон ая ва Фуломжон ака яхши билар, ўғилларининг келажақ тақдирини ўйлаб икки ўт орасида ёнарди. Айниқса онаси:

– Наҳотки, ўн тўққизга тўлган кўркам ўғлимни ўзидан ёши катта, эрдан қайтган, икки болали бева аёлга уйлантирсак. Бу қандай бедодлик, – дея нолирди Фуломжон акага.

Бироқ ўзлигига қайтган ўғилларининг йўлига яна тўғаноқ бўлиш ундан ажраб қолиш билан баробар эканлигини тушуниб етишганди.

Ораддан беш-олти ой фурсат ўтиб, баҳор фаслида Адҳамжон ва Қундузхонларнинг тўйи бўлиб ўтди.

Келинчакнинг хипча қомаги-ю, гўзаллиги Адҳамжон учун асралгандек эди гўё. Йиллар ўтиб оилани биринкетин тўлдирган уч ширин набира Фуломжон ака ва Муҳаррамхон ая кўксидеги армонларни йўқотиб борди. Басавлат, полвонсифат эракка айланган ўғиллари билан нозик ва латофатли Қундузхоннинг ёши орасидаги фарқ билинмасди, ҳатто.

Йиллар оқар дарё деганларидек, беш фарзандни улғайтириб, уйлик-жойлик қилган Адҳамжон ака ва Қундузхон опалар ҳам буви ва боболик бахтига муяссар бўлишди. Бироқ олтинчи ёшини қоралаётган Қундузхон опа тўсатдан оғир дардга чалиниб, тўшакка михланиб қолди. У умрининг сўнгги онларини яшаётганлигини сезиб, олтидан бир қадам жилмай ўтирган Адҳамжон акага дилини ёрди:

– Дадаси, биз бирга ўттиз йил бахтли яшадик. Беадад шукурки, рўзгоримиз бут, ўғил-қизларимиз эс-ҳушли, эл назарида бўлдик. Мен тақдир, умридан рози энг бахтли аёлман. Аммо бир армоним борки, шуни бажараман деб сўз беринг, токи кўзим очиқ кетмасин бу дунёдан, – эрининг қўлини кафтлари орасига олди Қундузхон опа.

– Онаси, кўп гапирсанг чарчаб қоласан, – оқила аёлининг нима демоқчи эканлигини сездди Адҳамжон ака.

– Ҳозир айтмасам кейин кеч бўлади. Чунки вақт-соатим яқин. Мен оламдан ўтгач, албатта, бирорта ёш аёлга уйланинг. Бахти очилмай юрган, турмушга чиқмаган қизлар ҳам бор. Мана шу армонимни бажарсангиз қабримда тинч ётаман.

– Менга бундан бошқа айтадиган яхшироқ гапинг йўқмиди, онаси, – кўзида ёш билан аёлининг юзларини силади Адҳамжон ака.

– Мендан рози бўлинг... – бу Қундузхон опанинг сўнгги сўзлари эди.

Аёлини тупроққа топширгач, Адҳамжон ака бир кечада чўкиб қолди. Камгап, уйчан бўлиб қолган оталарининг атрофида парвона бўлаётган ўғил-қизлари ҳам унинг кўнглини олишга қодир эмасди. Хотинининг барча маракаларини бош-қош бўлиб кўнглидагидек ўтказган Адҳамжон ака «қирқ»дан кейингиси кун эрталаб фарзандларини йиғди. Уларга насиҳат ва васият сўзларини етказгач, рози-ризолигини айтиб болалари қўлида жон берди.

Васиятига кўра, сувоғи қуриб улгурмаган Қундузхон опанинг қабрига туташ бўлиб Адҳамжон аканинг қабри ҳам қад ростлади.

Зулфия ЮНУСОВА.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ЎҚ ЎТМАС ШЛЕМ

Россиянинг «Армоком» номли ўта мустаҳкам материаллар марказида автомат ўқидан ҳимоя қилишга қодир бўлган ноёб шлем яратилди.

Жангда аскар одатда нимага кўпроқ ишонади? Албатта, ўз қуролига ва омадга... Ўлим ёки ярадор бўлишдан баъзан зирҳли нимча ҳам сақлаб қолган ҳолатлар бўлган. Аммо уни кийиш – ўлимдан бутунлай сақланиш эмаслигини ҳамма яхши тушунади. Шлемга эса аскарлар орасида шунчаки, шартли равишда кийиладиган бош кийимдек муносабатда бўлинган. Чунки кўпчилик уруш ҳақидаги эски фильмларда ўқ илма-тешик қилиб юборган шлемларни кўп кўрган...

2003 йилда аскарни пистолет ўқидан ҳимоялашга қодир бўлган дискрет-тўқимали зирҳдан тайёрланган шлем сўзсиз, бу борада катта янгилик бўлди. Уни «Армоком» маркази олим ва конструкторлари яратган эди. Улар кейинчалик дунё бўйича шов-шувга сабаб бўлган мазкур шлемни янада такомиллаштириш борасида изланишларни давом эттирдилар. Ва ўтган йил кузида хавфсизликни таъминлаш воситаларининг «Интерполитех-2008» кўргазмасида «Армоком» мутахассислари ўзларининг энг янги ишланмалари – ҳимоянинг максимал 5-даражасини таъминловчи ноёб шлемни намойиш этдилар.

– Мазкур шлем автомат ўқидан, шу жумладан, термомустаҳкам ўзакли ўқлардан ҳимоя қилишга қодир, – деб изоҳ берди «Армоком» маркази техник директори Г. Мокеева.

Шлем ташқи керамик қатлам ва композит қўшимчадан иборат бўлиб, оғирлиги 4,4 кг. Унинг ҳимоя майдони 13 кв.дм, яъни у бошни ҳар томондан муҳофаза қилади. Унинг обзор (кузатиш) қирқими бошқа шлемларникига нисбатан кичикроқ.

Шлемнинг аскар бошини узун стволли қурол ўқидан ҳимоя қила олиши бир неча йиллар аввал афсонадек туюлар эди. Бугунги кунда эса янги маҳсулот синови амалий жиҳатдан ўз якунига етди. Унинг юқорида тилга олинган ўқларни бемалол «ушлаб қолиши» тасдиқланди.

Соддалаштириб айтганда, шлемнинг қарши ҳаракат механизми куйидагича: ўқ аввал керамик қатламга бориб тегади. Бу қатлам унинг асосий қувватини парчалаб юборади. Бунда ўқ ўзагининг тўртдан уч қисми майдаланиб кетади. Қолган бир қисми ва ўқ парчаларининг асосий оқими композит қўшимча орқали тўхтатилади. Шу тариқа ўқ шлемни тешиб ўта олмайди.


Бунга ўхшаш шлем бошқа давлатда ишлаб чиқилганми-йўқми, бирон нарса дейиш қийин. Агар ўта маҳфий тарзда тайёрланган бўлмаса... Аммо бунинг эҳтимоли жуда кам. Бундай дейишимизга сабаб, чет эл мамлакатларининг аксарияти шов-шувга жуда ўч ва янгиликни сир сақлаб қолиш ўта мушкул. Шу сабабли юқорида таърифланган шлемни ажойиб ихтиро, деб аташ мумкин.



М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

ТУРЛИ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Австралия ҳукумати Испаниянинг «Навантия» ва Австралиянинг «Теникс» компанияларидан иборат халқаро консорциум билан ушбу мамлакат ҳарбий-денгиз кучлари учун ВРЕ (Vigue de Proyeccion Estrategua) лойиҳаси бўйича иккита универсал десант кемасини қуриш борасида шартнома имзолади. Шартнома баҳоси 1,4 млрд. ердан ошқроқ. Ушбу кемаларни ҳарбий-денгиз кучларига етказиб бериш муддати – мос равишда 2013 ва 2015 йиллар. Ушбу лойиҳа бўйича кеманинг сув сифими 27000 т, ўлчамлари 230х32х7 м, энг юқори сузиш тезлиги 21 узел этиши мумкин. Кема техника ва шахсий таркибни 15 узел тезликда 9000 миля масофага олиб борилишини таъминлайди. Экипаж 243 кишидан иборат бўлади, десант сифатида 1000 нафаргача ҳарбий хизматчи жойлашиши кўзда тутилган. Кемага 23 та М1 «Абрамс» русумли жанговар танклар, 70 тагача стандарт 20 тоннали контейнерлар, 4 та танк-десант катери жойлаштирилиши мумкин. Бундан ташқари, кемада AV-8B «Харриер» русумли қирувчи-



штурмчи самолётлар ва СН-47 ёки NH-90 русумли вертолётлардан иборат аралаш авиагурӯҳи, иккита операция хонасига эга бўлган госпиталь жойлашади. Мазкур кемадан ҳарбий операциялардан ташқари тинчликпарварлик ҳамда инсонпарварлик миссияларини амалга оширишда ҳам фойдаланиш кўзда тутилган.

ОДНОВРЕМЕННО ДО ВОСЬМИ ЦЕЛЕЙ

Специалисты Южноафриканской компании «Денел Дайнэмикс» разработали универсальную ракетную пусковую установку (ПУ) для ведения противоздушной обороны, получившую обозначение «Умконто». Это название заимствовано у существующей системы ПВО морского базирования, на основе которой и создана новая ПУ. Данная ПУ снаряжается шестью готовыми для боевого применения зенитными управляемыми ракетами (ЗУР) класса «поверхность – воздух», помещаемыми в два контейнера высотой 6 м, из которых производится вертикальный пуск. ПУ имеет собственную гидравлическую систему для манипулирования этими контейнерами. Пуск ракет может производиться автономно с любой ровной поверхности, в том числе с грузовой автомобильной платформы. В систему ПВО входят РЛС обнаружения и сопровождения целей, системы связи и навигации. ЗУР может быть оснащена головкой наведения по инфракрасному лучу, что позволяет вести борьбу с воздушными целями на дальности до 12 км и высоте до 10 км, а также активной радиолокационной ГСН (до



25 км и до 12 км соответственно). По мнению специалистов компании, система ПВО способна осуществлять захват и сопровождение до восьми целей одновременно и вести по ним огонь как залпом, так и серий ракет с малыми интервалами между пусками.

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ВАРИАНТ

Германиянинг «Динго-2» русумли зирҳли автомобилли «Краусс-Маффей Вегманн» компанияси томонидан яратилган бўлиб, бундесвер ҳарбий техникаси таркибига 2004 йилда қўшилган. У «Динго-1» зирҳли автомобиллининг Болқон ярим ороли ва Афғонистонда фойдаланиш мобайнида тўпланган тажриба асосида янада такомиллаштирилган вариантдир. Янги машинанинг бошқалардан фарқ қилувчи асосий хусусияти экипаж ва десантнинг юқори даражада ҳимояланганлиги, шунингдек, улар учун янада яхши ва қулай шароитлар яратилганидир. Машина шассиси базасининг 3,85 м.гача оширилгани 8 нафаргача ҳамма жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган ҳарбий хизматчиларни (командир, ҳайдовчи ва 6 нафар десантчи) олиш имконини беради.


Зирҳли автомобилнинг узунлиги 6,08 м, эни 2,39 м, жанговар оғирлиги 12,5 т, фойдали юк олиши 3,1 т. 215 от кучига тенг қувватли дизель двигатели тезликини соатига 90 км.га етказиш имконини беради (шоссе бўйлаб). Бунда юриш захираси 1000 км.га тенг. «Динго-2»нинг зирҳи ундаги шахсий таркибни 7,62 мм калибрли ўқлардан, шунингдек, қуввати 8 кг.гача тротил эквивалентига тенг фугасли портлаш мосламаси портлашдан ҳимоя қилинишини таъминлайди. «Динго-2»нинг томига турелда айланувчи 7,62 ёки 12,7 мм.ли пулемёт, ёхуд 40 мм.ли ав-



томатик гранатомёт, ёхуд масофадан бошқарилувчи қурол модули ўрнатилиши мумкин. Зирҳли автомобиль NAVSTAR приёмниги, ҳавони мейёрга солиш тизими ва орқага ҳаракатланиш видеокамераси билан жиҳозланган. Буюртмачи истагига кўра машинага бошқа жиҳозлар ҳам ўрнатилиши мумкин (масалан, жамоавий радиокимёвий кураш – ҳимояланиш тизими ва ҳ.к.).

«ЛЕТАЮЩЕЕ КРЫЛО»

Специалисты британской компании «Киберфлайт» проводят научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы в области создания малогабаритных беспилотных летательных аппаратов. В частности, для выполнения задач тактической разведки на базе мини-БЛА SOD IV разрабатывается дистанционно управляемая система E-Swift Eye, построенная по схеме «летающее крыло». Аппарат с размахом крыла около 2 м оснащен электродвигателем, приводящим во вращение соосный толкающий винт. В качестве полезной нагрузки для решения задач видовой разведки на борту аппарата могут размещаться цифровая телевизионная камера, ИК-станция переднего обзора, а также другое оптоэлектронное оборудование.



ТАЪЛИМ

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



1-машгулот. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни.
Ўқув, тарбиявий мақсад: Ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонунининг мазмун, моҳиятини тушунтириш. Уларга қонуннинг аҳамиятини аниқлаштириш.

Ўқув саволи: Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни.

Шакл: назарий.

Услуб: суҳбат, тушунтириш.

Вақт: 40 дақиқа.

Жой: ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги хонаси.

Асосий қисм. 30 дақиқа

Машгулот раҳбари Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни 1992 йили 3 июль куни қабул қилинганлигини, 2001 йили 11 майда унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги тахрирда тасдиқланганлигини маълум қилади.

Қонунда мамлакат мудофааси тушунчасига аниқлик киритилиб, бу Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуаси эканлиги таъкидланади.

Мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик;
- тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш;
- халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда жамоавий хавфсизлик тизимларида иштирок этиш;
- ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;
- ҳарбий қурилшининг замонавий урушлар ва қуролли моҳароларнинг хусусиятига монанд бўлиши;
- ядровий ва бошқа турдаги ялпи қирғин

қуролларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, олишни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш;

– мудофаанинг етарли даражада бўлиши;

– ҳарбий хизмат шарафли эканлигини таъминлаш.
Машгулот раҳбари Ўзбекистон Республикаси «Мудофаа тўғрисида»ги қонунининг модда ва принципларини ўқувчиларга тушунтирар экан, уларнинг ҳаётдаги татбиғига мисоллар келтириб, изоҳлаб ўтиши мақсадга мувофиқ. Машгулот мазмуни баён этилиб, тушунтирилгандан кейин ўқувчиларни суҳбатта чорлаш, саволлар билан мурожаат этиб, улар фаоллигини ошириш тавсия этилади.

Яқуний қисм. 5 дақиқа

Машгулотнинг яқуний қисмида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

- мавзу ва унинг мақсадини эслатиш;
- ўтилган машгулот бўйича қисқача савол-жавоб;
- ўтилган машгулотнинг таҳлили;
- ўқувчилар фаоллигини баҳолаш;
- мустақил ишлаш учун вазифа бериш;
- машгулотга яқун ясаш.

2-машгулот. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни. Ҳарбий хизмат турлари. Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш. Фуқароларни чақирув участкасида қайд этиш ва ҳарбий хизматга кириш.

Ўқув, тарбиявий мақсад: Ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни мазмун, моҳиятини тушунтириш. Уларни ҳарбий хизмат турлари, фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, фуқароларни чақирув участкасида рўйхатга қўйиш ва ҳарбий хизматга кириш тўғрисидаги қонун моддалари билан яқиндан таништириш ва бу талабларга ҳурмат руҳини шакллантириш.

Ўқув саволлари:

- 1-ўқув саволи.** Ҳарбий хизмат турлари. Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш.
- 2-ўқув саволи.** Фуқароларни чақирув участкасида қайд этиш ва ҳарбий хизматга кириш.

Шакл: Назарий.

Услуб: Тушунтириш, суҳбат.

Жой: ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги хонаси.

Асосий қисм. 30 дақиқа

1-ўқув саволи. 15 дақиқа

Машгулот раҳбари Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни 2002 йил 12 декабрда қабул қилинганлигини ва ушбу қонун 9 боб 51 моддадан иборат эканлигини, унда умумий ҳарбий мажбурият, фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, фуқароларни чақириш пунктларида қайд этиш, хизматга чақириш, ҳарбий хизматни ўташ ва бошқа саволларга жавоб топиш мумкинлигини ўқувчиларга етказди. Шундан кейин қонуннинг «Умумий ҳарбий мажбурият» деб ёзилган 3-моддаси ўқувчиларга ўқиб эшиттиради. Бундан ташқари ҳарбий хизмат турлари ва фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича қонунда белгиланган меъёрлар бўйича ҳаётий мисоллар билан тушунча беради.

Қонун асосида ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилган:

- мuddатли ҳарбий хизмат;
- сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;
- контракт бўйича ҳарбий хизмат;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

2-ўқув саволи. 15 дақиқа

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг «Фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш, ҳарбий хизматга чақирилиш ва кириш» деб номланган учинчи бобини, ундаги мавжуд моддаларни ўқиб эшиттиради, мазмун-моҳиятини ўқувчиларга аниқлатади.

Абдулхашим СОТВОЛДИЕВ,
ТДПУ ҳарбий кафедраси катта ўқитувчиси.

МУНОСИБ ВОРИСЛАРНИ УЛҒАЙТИРИБ



– У вилоятнинг энг кўзга кўринган, тажрибали, изланувчан мураббийларидан бири. Унинг ўрганишига, қўллашга арзийдиган салмоқли ишлари бор, – дейди Наманган вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси мутахассиси Азимжон Исоқов.

– У ўз ишига ўта масъулият билан ёндашадди, кўникма ва малакаси таҳсинга арзийди. Тарбиячига хос самимий ва шу билан бирга ўта талабчан. Малакали мураббий ташкил этган машгулот хонаси жиҳозланиши жиҳатидан вилоятда ягона ҳисобланади, – дейди яна бир устоз мураббий Абдуллажон Холиқов.

Бундай фикр-мулоҳазалар ким ҳақида айтилаётгани ўқувчинини қизиқтириши табиий, албатта. Бу фидоий инсон истезодаги катта лейтенант, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Равшанбой Абдуллаевдир. Мана, йигирма йилдан зиёд вақт бўлибдики, жонкуяр мураббий Чортоқ маиший хизмат касб-хунар коллежида фаолият юритиб келади.

– Халқ таълими, айниқса, ўрта-махсус касб-хунар таълимига эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, – дейди Равшанбой Абдуллаев. – Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Биз ўқитувчи-мураббийлар мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлиши ёш авлоднинг ҳар томонлама камил инсон бўлиб етишишида билим ва тажрибаларимизни аямаслигимиз керак.

Дарҳақиқат, у ўз фаолиятида замонавий педагогик технология услубларидан унумли фойдаланади. Машгулотларни қизиқarli ташкил қилиши диққатга сазовор. Масалан, «Терроризмга қарши кураш – давр талаби» мавзусини мулоқот усулига таяниб ташкил қилди. Талабаларнинг фаоллиги ҳам машгулотнинг юксак савияда ташкиллантирилганидан далолат беради. Бахтиёр Қозоқов, Умиджон Ибрагимов, Мансуржон Исомов, Жалолiddин Исроилов каби талабалар мавзу бўйича етарлича билимга эга эканликларини намоён этдилар.

Педагог Абдуллаевнинг ҳарбий соҳани танилаган шогирдлари кўп. Улардан Акмалжон Самандаров, Алишер Ҳамидовлар бугун Қуролли Кучларимизда ўзларининг муносиб ўрниларини топишган. Бундай шогирдлар номини узоқ давом эттиришимиз мумкин.

Коллежда баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган турли-туман тадбирларнинг фаол ташкилотчиларидан бири ҳам Равшанбой Абдуллаев саналади. Мухтасар қилиб айтганда, фидоий мураббий сизқидилдан меҳнат қилиб, барчага намуна бўлмоқда. Энг муҳими, ёшларда она Ватанга муҳаббат туйғуларининг шаклланишида унинг ҳам фидокорона хизматлари бор.

Асқарали МАМАТОВ,
Наманган вилояти.

СОҲАГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Бекатда автобус кутаётган эдим; икки ўспиринининг ўзаро суҳбати қулоғимга чалинди. «Шу кўрикдан ўтиб олсам бас, ҳарбий билим юртига ўқишга киришга муҳим қадам ташлаган бўлман. Насиб этса, Ватанга садоқатли посбон бўлман», дерди йигитлардан бири. Беихтиёр уларга яқинлашдим ва таваккал қилиб суҳбатга қўшилдим.

– Ҳарбий билим юртига ўқишга киришга номзодлар учун тиббий кўрикдан ўтиш бошландими? – сўрадим, Ватан ҳимоячиси бўлмақчиман, дея сўзлаётган ўспиринга қараб.

– Ҳа, бунга анча бўлди, – деди у. – Тез кунда яқунига ҳам етади. Кейин эса тест синовларига тайёргарлик. Мен болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қиламан. Шунинг учун астойдил ҳаракат қилаяпман. Суҳбат асносида иштиёқманд бу ўғлоннинг исми Самад эканини билиб олдим.

– Тошкент транспорт касб-хунар коллежини битираяпмиз, – деди Жалолиддин исми иккинчи йигит. – Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчимиз Илҳом Тошмуродов бу соҳага бизни қизиқтирган. Айниқса, унинг дарсларда кўп такрорлайдиган «Жанговар машгулотларни пухта ўрганиш, Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг бурчидир», деган сўзлари бизни руҳлантириб келмоқда. Шу ўринда ёшларда мардлар касбига қизиқиш уйғотган устоз ва унинг дарс бериш услубига қизиқишим ортди. Чилонзор туманида жойлашган Тошкент транспорт коллежига йўл олдим ва сўраб-суриштириб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Илҳом Тошмуродовни топдим. Фидоий ўқитувчи

суҳбат асносида ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда улар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилиши ва ташкил этилиши муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

– Коллежимизда ёшларга нафақат чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик, балки фақулодда вазиятлар тавсифи, хусусиятлари ҳамда тиббий билим асослари бўйича ҳам машгулот ўтилади. Бундан ташқари ҳарбий хизматчилар ва фахрийлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб тураимиз. Айтиш лозимки, бундай мулоқотларнинг фойдаси катта бўлмоқда. Масалан, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий қисм офицерларини таклиф этдик. Уларнинг ҳарбий ҳаёт ҳақидаги ҳикояларини ўқувчиларимиз катта қизиқиш билан кутиб олишди.

Илҳом Тошмуродов билан суҳбатимиз давомида коллеж жамоасининг турли тадбирларда муваффақиятли қатнашиб келаётганидан воқиф бўлдик. Мисол учун, яқинда ўтказилган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасида мазкур коллеж ўқувчилари ҳам фаол қатнашишган. Албатта, бундай тадбирлар ёшларни ҳар жиҳатдан тоблайдилар.

Ҳа, ҳарбий бўлиш осон эмас. Бунинг учун киши соғлом, кучли, билимли ва айни пайтда етук, салоҳиятли бўлиши зарур. Бунинг учун эса астойдил тайёргарлик кўриш, ўқиб-ўрганиш талаб этилади. Бу борада ўқувчиларга мактабдан оқ чучук тушунча бериш ва ҳарбий соҳага уларда қизиқиш уйғотишда ўқитувчилар, устозларнинг роли каттадир.

Шунқор БЎРИЕВ.

ХОТИРА

ШОИР ЁДИ ДИЛЛАРДА



Ўтганларни хотирламоқ, уларнинг номларини ёдга олмақ, инсонийликнинг энг муҳим мезонларидан бири саналади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «...Қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шафқат-шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждоқларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёрув келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади». Ҳа, хотира азиз ва муқаддас. Шу боисдан ҳам ўтганларни ёдга олмақ, қадрламоқ ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зотан, эзгулик ила нурафшон бўлган ҳаёт йўли бошқалар учун доимо ўрнатилган вазифасини ўтайди.

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 55 йиллиги муносабати билан ўтказилган хотира кечаси ана шундай хайрли амаллардан бири бўлди десак, муболаға бўлмайди. «Муҳаммад Юсуф ижодида Ватан туйғуси» деб номланган мазкур тадбирда Муҳаммад Юсуф номидаги адабий-ижтимоий жамғарма раҳбари, шоирнинг рафиқаси Назира ас-Салом, ёзувчи Аббос Саид, шоир Шарофиддин Болтабоев ҳамда эл севган санъаткорлар Анвар Фаниев, Эркин Худойқулов, Алижон Исоқовлар иштирок этдилар.

Тадбир аввалида шоирнинг рафиқаси Назира ас-Салом сўзга чиқиб, Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва босиб ўтган ижод йўли ҳамда шу кунга қадар шоир ижодини асраш ва шеърларини нашр этиш юзасидан олиб борилган ишлар хусусида атрофлича фикр юритди ҳамда унинг ижод намуналаридан парчалар ўқиди. Шундан сўнг ёзувчи Аббос Саид ва шоир Шарофиддин Болтабоевлар Муҳаммад Юсуф билан боғлиқ хотиралари билан ўртоқлашдилар.

– Муҳаммад Юсуфни қўлимга қалам олиб, шеър ёзишни машқ қила бошлаганимдан ўзимга устоз деб билганман, – деди тадбирда сўз олган шоир Шарофид-

дин Болтабоев. – Тўғриси айтсам, шоирнинг қайноқ шеърларидаги оташин тафт мени ҳам шеърят аталмиш уммонга чорлади, қўлимга қалам тутиб, қоғоз қоралашга ундади. Чунки унинг шеърларидаги ҳаётийлик ўқувчини беихтиёр сехрлаб қўяди. У шеърларида жуда оддий, аммо юракка яқин мавзуларга муурожаат қилиб, кўпроқ ўзи билган, кўрган, ҳис қилган нарсалар хусусида ёзади ва кишида шеърларига нисбатан ҳайрихоҳлик уйғота олади. Шоир шеърларининг ана шу жиҳатлари мен каби барча шеърят шинавандаларининг эътиборига сазовор бўлган.

Тадбир давомида янграган шоир шеърларига бас-талланган қўшиқлар ижроси ҳамда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан тайёрланган мусиқий дастур кечага янада файз бағишлади.

– Бугунги тадбир бизга жуда манзур бўлди, – дейди ҳарбий оила бекаси Муқаддас Соипова. – Эсимизни танибмизки, шоир шеърларидан баҳраманд бўламиз, унинг меҳр-муҳаббатга лиммо-лим бўлган сатрларини жон-дилимиз билан ёд оламиз. Бу шеърлар халқона, содда тилда, оддий ва раво ёзилгани учун ҳам ўқиган сайин ўқигинг келади. Шу боисдан ҳам мен бу инсонни ана шу оддийлик ортидан халқ меҳрини қозongan шоир деб биламан. Шунинг учун ҳам унинг номи тиллардан тушмай келаётир, китоблари қайта-қайта нашр қилиниб, китоб жавонларидан мустаҳкам ўрин олапти. Биз мана шундай юртдошларимиз билан ҳар қанча фахрлансак оз. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими томонидан ташкил этилган мазкур кечадан катта таассурот билан қайтапмиз.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

БУЮК ҚАДРИЯТ

**Қалбга муҳрларан ўтганлар ёди,
Не эзу амал бор кетмагай беиз.
Тарих гувоҳ эрур, бунинг исботи,
Мардлар сиймосига эл меҳри чексиз,
Хотира муқаддас, хотира азиз!**

Ҳа, ўтганлар ёди ҳаминша азиздир. Айниқса, Ватан тинчлиги ва мустақиллигини асраш йўлида умрини фидо қилган инсонлар хотираси қалбларимизда мангудир. 9 Май – Хотира ва қадрлаш куни мана шундай инсонларнинг номини ёд, руҳини шод этиш, жангтоҳлардан омон қайтиб, элда азиз бўлиб юрган инсонларни, юртнинг осойишталиги ва ривожига, истиқлолимиз барқарорлиги ва бардавомлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган нуруний болаларимиз ва момоларимизни, яъни меҳнат ва уруш фахрийларини йўқлаш учун энг муносиб кундир. Бу ўзига хос байрамда мамлакатимиз бўйлаб турли тадбир ва учрашувлар ва кечалар, хайрия концертлари амалга оширилади. Жумладан, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва матрифат маркази томонидан ҳам Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бир қатор маданий ва маърифий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Бу ҳақда Мудофаа вазирлиги Маънавият ва матрифат маркази бошлиғи подполковник Икромжон Ҳикматов мамнуният билан сўз юритди.

– Республикаимизда нишонланадиган, эътибор ила ўтказиладиган муҳим саналардан бири бу Хотира ва қадрлаш кунидир. Бу байрам айниқса, биз ҳарбийлар учун янада қимматли, десам хато бўлмас. Чунки бу кун аввало иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, мустақиллигимизни асрашда умрини фидо қилган мард йигитларимиз хотирланади. Уруш ва меҳнат фахрийларига меҳр-муруват кўрсатилади. Биз ҳам мана шу санага муносиб тайёргарлик кўришга ҳаракат қилдик. Хотира ва қадрлаш куни олдида Олий ҳарбий божхона институти билан ҳамкорликда «Инсон қадри азиз, ўтганлар хотираси муқаддас», деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказишни белгиланганиз. Тадбирда Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий билим юртлири ҳамда Олий ҳарбий божхона институти офицер ва курсантлари иштирок этишади.

Тадбирга уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли санъат арбоблари таклиф этил-

ган. Шунингдек, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда «Ўзбекистон ёшлари» ансамбли санъаткорларининг «Дилларда Ватан мадҳи» деб номланган концерт дастури ҳам тадбирга файз бағишлаши аниқ.

Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларимиздан яна бири 9-10 май кунлари «Истиқлол» санъат саройида Ватан тинчлиги ва мустақиллигини сақлаш йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб ўтказилаётган хайрия концертидир.

Хайрия концертида юртимизнинг таниқли санъаткорлари, бадний жамоалар ва эстрадаимиз юлдузлари иштирок этади. Концертдан тушган маблағ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг онлаларини қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий таянч бўлишга сарфланади.

Мамлакатимизда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кекса отахону онахонлар доимо эъзозда. Айниқса, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бу эътибор янада кучаяди. Мудофаа вазирлиги томонидан ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун байрам дастурхони ёзилди, концерт дастурлари ўтказилади, азиз меҳмонларга совғалар берилади. Шу билан бирга уруш фахрийларининг ҳолидан хабар олиниб, совғалар топширилади.

Шубҳасизки, Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирлар гарнизон офицерлар уйлари, ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам бўлиб ўтади. Масалан «Хотира уйғонса гўзал», «Мардлар қўриқлайди Ватанини», «Учмас у кушлар шўхратни», «Номинг дилларда мангу», «Хотира – буюк қадрият» каби мавзулардаги тадбирлар шулар жумласидандир. Юртбошимизнинг «Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждоқларимизни эслаш, уларнинг чирогини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазиладир», деган сўзлари бор. Мақсад ўтганлар ёдини, уларнинг эзгу ишларини, эзгу амалларини муносиб хотирлаш, юрт ривожига улкан ҳисса қўшган дуоғўй отахону онахонларимизни қадрлаш, эъзозлашдир.

Зулфия НОСИРЖОН қизи.

НУРОНИЙЛАР ДОИМО ИЗЗАТДА

Нурунийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш Президентимиз Ислам Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг рағбатлангириш тўғрисида»ги фармони фахрийларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ифодаси бўлди.

Республика «Нуруний» жамғармаси марказий кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимизнинг мазкур фармонида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, фахрийлар, жумладан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар муҳофаза этилди.

«Нуруний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев давлатимиз томонидан фахрийларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, қарияларга моддий ва маънавий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Жорий йил-

да жамғарма томонидан беш юз нафардан ортиқ уруш ногирони, меҳнат фахрийсига зарур тиббий ускуналар берилди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларда истиқомат қилаётган уч мингдан ортиқ нурунийнинг уй-жойлари таъмирланди. Уруш ва меҳнат фахрийларига, ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда яқинлашиб келаётган Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш, уруш ва меҳнат фахрийлари, қариялар ҳолидан хабар олиш борасидаги тегишли вазифалар белгилаб олинди.

(ЎЗА).

Письмо в редакцию

ПО ЗАВЕЩАНИЮ ФРОНТОВИКА

Накануне Дня Памяти и Почестей в редакцию газеты «Ватанпарвар» пришло письмо из города Гиждуван Бухарской области от семьи Зайниевых и Джаббаровых. Его автору, дочери фронтовика, скоро исполнится 74 года.

У нее, матери 5 детей и бабушки 12 внуков, большая радость. Ее внук, Зайниев Зафаржон Алишер угли, успешно учится в Ургенчском академическом лицее с военно-юридическим уклоном. А ведь завещание прадеда именно таким и было: чтобы потомки посвятили себя делу защиты Родины.

«Мой отец, Хаджиев Джаббар, родился в 1903 году в семье кузнеца. Работал кузнецом, ковал подковы, в 1933–1938 годы учился в Самарканде. С 1938 по 1941 годы работал в городе Бухаре редактором газеты «Бухоро хакикати». Когда началась война, он вместе с товарищами добровольно подал заявление с просьбой отправить на фронт. С июня 1941 года по июнь 1943 года он в воинском строю. С июня 1943 г. по май 1944 г. курсант военного училища в городе Ташкенте. С мая 1944 г. по 1945 г. на фронте, командир стрелкового взвода.

Когда отец служил, я и мои подруги, с которыми мы учились в школе, собирали теплые вещи для фронтовиков: в каждом доме вязали носки, перчатки, шили фуфайки, ватники, брюки и приносили в военкомат, чтобы отсылать их на фронт нашим отцам, дедам и братьям.

9 мая 1945 года закончилась война, и мой отец вернулся с фронта, награжденный многими орденами и медалями. С 1946 года он получал военную пенсию, но продолжал работать в газете в Кызылтепинском районе, затем начальником штаба гражданской обороны, на автобазе линейным диспетчером. Его сын стал преподавателем по физической подготовке, хотя отец очень хотел, чтобы кто-нибудь из его семьи стал профессиональным военным. Однако ему не было суждено этого увидеть: в январе 1999 года он проболел всего-навсего одну неделю и покинул нас навсегда.


Умирая, он завещал нам, чтобы кто-нибудь из его потомков посвятил себя делу защиты Родины. И теперь мне радостно оттого, что мы смогли выполнить завещание моего отца-фронтовика.

Правнук Джаббара Хаджиева, Зафаржон Зайниев, сегодня учится в Ургенчском академическом лицее с военно-юридическим уклоном.

Атро ЖАББАР КИЗИ,
город Гиждуван Бухарской области.

МАЪНАВИЯТ

ҚАЛЪЛАРГА НУР БЕРГУВЧИ ДАРГОҲ



Кутубхоналарни зиё маскани, кутубхона етакчиларини эса маънавият тарғиботчилари, дея таърифлаймиз. Чунки кутубхона мудирларининг зиммасидаги масъулият айнан шу таърифга мос. Улар нафақат китобхоналарга керакли мавзудаги асарларни тақдим этишади, балки улуғ аллома, шоир ва олим, буюк аждодларимизнинг таваллуд кунларига бағишланган кечалар, юртимизда ўтказиладиган байрамлар, улуғ саналарга бағишлаб маданий-маърифий тадбирлар, китобхонлик кечалари, таниқли шоир ва ёзувчилар билан ижодий учрашувлар ўтказишади. Шунингдек, кутубхонанинг шинам ва озодлиги, ўқувчиларни ўзига жалб этиши ва китоблар захирасининг бойлиги кутубхона мудирасига боғлиқ.

Демак, бу ўринда мудирдан билим ва заковат, изланувчанлик, ғайрат ва шижоат талаб этилади.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округига қарашли гарнизон офицерлар уйи кутубхонасида. Кутубхона мудираси – етти йилдан буён шу соҳада хизмат қилиб келаётган Қуролли Кучлар хизматчиси Муқаддасхон Файзиёва. Ушбу зиё гўшаси ҳарбий шаҳарчанинг энгинасида жойлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, китобхоналар нафақат ҳарбий хизматчилар, балки ҳарбий оила бекалари ва уларнинг фарзандлари бўлиши табиий ҳол. Фикримизни кутубхона мудираси ҳам тасдиқлаб ўтди:

– Кутубхонамизга ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда ҳарбий оила бекалари ва уларнинг фарзандлари, ўқитувчилар,

талаба ва ўқувчилар тез-тез келиб туришади. «Энг яхши китобхона» танловида кутубхонамизнинг аъзолари фаол иштирок этишди. Кутубхонамиздек, танлов ғолиблигини энг китобсевар ўқувчиларимиз бўлган бекаларимиз қўлга киритишди. Биринчи ўрин Мухтасархон Исмоиловага, олий ўрин Гулойим Бекберганавага насиб этди.

Энг фаол ва талабчан китобларимиз ҳақида сўз кетганда, лейтенант Сардор Фозилов, шартнома бўйича хизмат сержантлари Айтбой Авезов, Ҳамид Бекмуродов, истеъфодаги ҳарбий хизматчилар Мақсад Матқурбонов, Холибек Генжабеков, ҳарбий оила бекаларидан Гулхан Холмуродова, Мунира Обидова, Гулчехра Римбекова, Сарвиноз Турдимуродоваларнинг номларини келтириб ўтишим мумкин. Кутубхона аъзолари билан тез-тез маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиб тураемиз. Масалан, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» китоби асосида тадбир ўтказдик. Унга Қорақалпоғистон давлат университети профессор-ўқитувчилари, олимлар, талабалар ташриф буюришди. Шунингдек, «Ватани севмоқ иймондандир» деб номланган давра суҳбати, буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари олдидан бадиий кечалар, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллуд кунига бағишланган шеърхонлик кечасини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Шу билан бирга Республика ахборот кутубхона маркази билан биргаликда янги келган адабиётлар кўргазмасини ташкил этдик. Ўқувчиларимизнинг китобларга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ошиб бораёпти. Яқинда кутубхона мудирларининг Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган услубий йиғинида бўлиб қайтдим. Унда ахборотлаштирилган кутубхона марказларининг фаолияти, кутубхоналарни замонавий адабиётлар, электрон ресурслар билан бойитиш, ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларни тайёрлаш усуллари, уларни ўтказиш жараёни ва услублари, кўчма кутубхоналар ташкил этиши ва улар фаолиятини назорат қилиш, китобхоналар билан ишлаш қоидалари каби муҳим масалалар бўйича билим ва малакамни мустаҳкамладим. Олдимга қўйган мақсадларим кўп. Китобхоналар талабини инобатга олиб, китоблар захирасини кўпайтириб, ўқувчиларимизга янги-янги адабиётларни етказиб бермоқчиман.

Соҳасини севган одам мақсади рўёбига имкон топади. Бунинг учун фақат фидойилик зарур. Биз кутубхона мудираси Муқаддасхон Файзиёвадан қалбларга зиё тарқатишдек эзгу иш йўлида мана шундай фидойилик кутиб қоламиз.

УЛУҒ МАҚСАДГА УМРИ БАХШИДА

«Ҳаёт йўлида биринчи масала – мактаб масаласидир». Мақоламизни маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг ушбу фикрлари билан бошлашни лозим топдик. Негаки, айнан маърифат гўшаси ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг таълим соҳасида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганини яхши биламиз. Бу борада Мудофаа вазирлигига қарашли умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳам катта ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилаётганига гувоҳимиз. Шимоли-ғарбий ҳарбий округидаги умумтаълим мактабида бўлганимизда буни янада теран ҳис қилдик.

Таълим даргоҳига кириб борганимизда эътиборимизни тортган биринчи нарса бу ўқувчиларнинг баҳор байрамларига бағишланган ижодий ишлари бўлди. Яъни, уларнинг ранг-баранг расмлари кўргазмаси диққатингизни тортади, кайфиятни кўтаради. Мактаб директори Луиза Утегенова билан суҳбат давомида сездикки, ўтиб бораётган ўқув йили «Ўқувчилар ўртасида ижодкорликни ривожлантириш йили», деб эълон қилинган экан. Албатта бундайини анъана қанчадан-қанча истеъдодли ўқувчиларни юзага чиқараётгани аниқ. Чунки ижодкорлик нафақат расм чизиш, балки шеър ва ҳикоялари билан матбуотларда қатнашиш, мусиқа, тикиш-бичиш, ёғочдан нарсалар ясаш борасида ҳам иқтидорини намойиш этишдан иборат. Айнан ушбу йўналишларда мактабда тўғарақлар фаолият юритаётгани диққатга сазовордир.

– Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Дастури»нинг ижросини таъминлаш бўйича таълим-тарбиявий ишларни амалга ошириб келаямиз, – дейди таълим муассасаси раҳбари мактаб фаолияти ҳақида сўз юритар экан. – Мактабимизда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига тажрибали, малака тоифаларига эга педагогик кадрлар сабоқ бериб келишяпти. Ўқитувчиларимиз педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида тегишли жадвал асосида малакаларини ошириб қайтишяпти. 2007–2008 ўқув йилига нисбатан жорий ўқув йилида таълим-тарбия иши самарадорлиги ошди. Жумладан, услубий тавсияга асосан «Фан ойликлари» ўтказилиб, уларда янги ва замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Мактабимиз шаҳар миқёсида ўтказилган туркий тиллар бўйича семинар-тренингда иштирок этди. «Фан ойликлари» давомида очик ноанъанавий машғулотлар ўтказилиб, бу шаҳар миқёсида дарс ўтиш услуби сифатида жорий қилишга тавсия этилди. Шунингдек,



тарбиявий йўналишдаги дарслар бўйича услубий қўлланма тайёрлаш имкони яратилди.

Ўқувчиларимиз фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Мактабда ўқув-тарбия жараёнини услубий таъминлаб бориш ва ўқитишнинг замонавий илғор шаклларида фойдаланишда моддий-техник ва дидактик-услубий негизини аҳамияти катта. Ўқув жараёнининг моддий-техник негизига фан кабинети (синф хонаси), ўқув мебели ва жиҳозлар кирса, иккинчи талабга ўқув хонасининг белгиланган талаблар асосида мавзувий ва эстетик жиҳозланиши, кўргазмали қуроллар сони ва сифати, ўқитувчи томонидан тайёрланган дидактик ва методик материаллар кирди. Буларнинг барчасига мактабимизда катта эътибор қаратилган. Шунингдек, анъанавий дарслар янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Ўтган йиллар давомида мактабимизга янги мебеллар, лаборатория ускуналари ва компьютерлар келтирилди. Мактабнинг спорт ва тренажёр зали, спорт майдончаси мавжуд бўлиб, улар ҳам зарур жиҳозлар билан таъминланган. Турли йўналишдаги тўғарақлар режа асосида ишлаб турибди. «Мактаб ҳаётидан» номли ўз газетамизга эгамиз. Ижодкор ўқувчиларимиз шеър, ҳикоя ва мақолалари билан «Аму тонги» газетасида ҳам қатнашиб туришади. Республика олимпиадасида 9-синф ўқувчиси Хуршид Тўлиев математика фанидан иккинчи ўринни қўлга киритди. «Янги авлод» танловида 5-синф ўқувчилари Моҳимжон Жуманова ва Соҳиба Маматмуродовалар назм йўналишида қатнашиб муко-

фотландилар. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Энг яхши етакчи» кўриктанловида 8-синф ўқувчиси Уснатдин Зарифбоев фаол қатнашди. Спорт йўналишида ҳам бир қатор ютуқларимиз мавжуд.

Албатта эришган муваффақиятларимизда ўқитувчиларимизнинг улкан ҳиссаси бор. Ўқув ишлари бўйича ўринбосар Алия Жузбаева, маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосар Ж. Калбаева, олий тоифага эга Марҳабо Ҳазратқулова, Зинаида Красильникова, Ирина Ким, Мунаввар Кабулова, Бағдагул Болтабоева, Гулойим Ерпўлатова каби бир қатор ўқитувчиларимизнинг номини келтириб ўтишим мумкин. Умуман олганда, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини ўзлари каби юртга фидойи, садоқатли ўғил-қизлар қилиб тарбиялашда бор имкониятимиз, билим ва тажрибамизни ишга солаётимиз.

Таълим даргоҳи директори мактабда ўтказиб келинаётган турли йўналишдаги тадбирлар, «Очиқ дарс»лар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Биз мактабга ташриф буюрган чоғда шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Мақсад Давлетқиличев иштирокида «Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари» мавзусида очик дарс ўтказиладиган экан. Бундан кўриниб турибдики, мактаб ҳаётидаги ҳар бир кун ўқувчилар учун аҳамиятли.

Таълим даргоҳида эътибор қўйилган Юртбошимизнинг ушбу сўзлари эътиборимни тортди: «Билимга чанқоқ истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир». Ҳа, ушбу улуғ мақсад йўлида фидойилик кўрсатиб, ёш авлод тарбиясига умрини бахшида этиб келаётган устозлар ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Саҳифани Зулфия ЮНУСОВА тайёрлади.

СПОРТ

Тяжелая атлетика

«СЕРЕБРО» И РЕКОРДЫ АРМЕЙЦА

Успешно выступили на чемпионате Узбекистана по тяжелой атлетике представители армейского клуба МХСК. Они завоевали пять медалей различной пробы.

Звания чемпионов страны удостоились Руслан Алпанов (62 кг), Бахром Мендибаев (69 кг) и Гияс Ахмедов (105 кг), доказав этим самым свое право защищать честь Узбекистана на международной арене.

Наставники национальной сборной будут иметь в виду и серебряных призеров чемпионата из числа атлетов МХСК. Это Мухаммад Бегалиев (69 кг) и Руслан Нуриддинов (85 кг).

Тренеры МХСК старший сержант Игорь Халилов и заслуженный тренер Узбекистана Александр Ким особенно были рады успеху Бегалиева, ведь этот юноша впервые выступал на этих серьезных состязаниях во взрослом разряде. Мухаммад при этом установил новые рекорды Узбекистана для юношей своего возраста, вырвав штангу весом 127 кг, толкнув 160 кг и набрав в сумме двоеборья 287 кг.

Конечно, Бегалиев пока уступил своему одноклубнику Бахрому Мендибаеву, но упомянутые выше рекордные результаты говорят о большом потенциале этого перспективного штангиста.

Ермурат АЙНАТДИНОВ.

Ёзги биатлон

ТЕРМА ЖАМОАГА НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ

16–19 апрель кунлари Чирчиқ шаҳридаги Жалолiddин Мангуберди номи спорт мажмуасида ёшлар ўртасида ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.



Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика техник амалий спорт турлари маркази ва ҳамкор ташкилотлар билан ташкил этилган мусобақада вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 11 та жамоа голиблик учун кураш олиб борди.

Иштирокчилар мусобақанинг уч хил машқи бўйича беллашдилар. Олтимишдан ортиқ спортчилар голиблик учун баҳс юритган мазкур беллашув халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган бўлгуси терма жамоа аъзоларини саралаб бериши билан аҳамиятлидир. Ҳар йилгидек чемпионлик учун асосий кураш Жиззах, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Тошкент вилоятлари вакиллари ўртасида кечди.

– Барча жамоалар юксак натижаларни

қўлга киритишни кўзлаб келишган, – дейди Чирчиқ автомобилчилар тайёрлаш мактаби бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Эркин Ниёзов. – Буни уларнинг тайёргарлигидан ҳам билиш мумкин. Бу йилги баҳсларда бир қатор ёш, умидли спортчиларнинг ҳам иштирок этаётгани келгуси ғалабаларга, зафарли олимларга ишонч уйғотади.

– Ушбу мусобақага устозларим ёрдамида жиддий тайёргарлик кўрдим, – дейди энг ёш иштирокчи Ҳасан Саидов. – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилигида қатнашиб, чемпионликни қўлга киритганман. Бу йил Сирдарё вилоятида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида ҳам иштирок этаман.

Қисқа масофага югуришда эркалар ўр-

тасида Анузар Юнусов (Жиззах) барча рақибларини ортада қолдириб голиб бўлган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар Нозим Уматов (Наманган) ҳамда Жамшид Тиллаев (Самарқанд)ларга насиб этди.

Аёллар ўртасида энг яхши кўрсаткичга эга бўлган Анна Дреева (Наманган) биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, иккинчи ўринга Дармонжон Рўзметова (Хоразм), учинчи ўринга Дилафрўз Салоиддинова (Тошкент вилояти) сазовор бўлишди.

Эркалар ўртасида пасьют югуриши бўйича мurosасиз кураш юқоридаги учлик ўртасида кечди. Анузар Юнусов – биринчи, Жамшид Тиллаев – иккинчи, Нозим Уматов эса учинчи бўлишди. Аёллар ўртасида голиблик Анна Дреевага насиб этди. Хоразмлик икки спортчи Дармонжон Рўзметова ҳамда Зилола Мадаминовалар кейинги ўринларни эгаллашди.

Оммавий старт баҳслари ҳам қизгин, шиддатли кечди. Голибликка даъвогарлар сони ошгани боис юқори ўринларни эгаллаш осон кечмади. Эркалар баҳсида биринчи ўрин Жамшид Тиллаевга насиб этган бўлса, иккинчи ўринни Анузар Юнусов, учинчи ўринни эса Нозим Уматовлар банд этишди.

Аёллар беллашувида эса Анна Дреева одатдагидай илғорликни ҳеч кимга бермади. Кейинги ўринлар Дармонжон Рўзметова ҳамда Дилафрўз Салоиддиновалар ўртасида тақсимланди.

– Биатлон билан беш йилдан буён шуғулланиб келаман, – дейди Ўзбекистон чемпиони, терма жамоа аъзоси Анна Дреева. – Ўтган вақт ичида қатор ютуқларни қўлга киритдим. Жумладан, ёзги биатлон бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш (2007 йил) ва бронза (2008 йил) медалларига сазовор бўлдим. Уйлайманки, мазкур мусобақада олган сабоқларимиз халқаро майдонлардаги мусобақаларда бундан-да яхши натижаларни қўлга киритишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жамшид АРСЛОНОВ.
Муаллиф суратга олган.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари

ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Йигит кишининг ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, юрт қорига ярайдиган бўлиб вояга етишида спортнинг аҳамияти жуда катта. Бежизга аждодларимиз тўй-ҳашамларни, байрамларни кураш, кўпқари, арқон тортиш каби халқона, миллий спорт ўйинларисиз ўтказмаган. Бунинг замирида эр йигитнинг ориятли, қатъиятли, бақувват, юртга садоқатли ва фидойи бўлиб камолга етишига эришишдек эзгу мақсад ётади.



Республикаимиз ўқувчи-ёшларини Куролли Кушлар сафларига ҳарбий хизматга ва олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришга тайёрлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб қилиш мақсадида бир неча йиллардан буён ўтказилиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари кўпчилигининг сеvimли беллашувига айланиб улгурди. Унда иштирок этганларнинг аксарияти келгусида ҳаётини шарафли соҳа билан боғлаётганининг ўзиёқ мусобақа ёшларимиз дунёқарашда қанчалик ўзгариш ясаётганини, қалбларидаги орзу-ҳавасни қатъий мақсадга айлантираётганини кўрсатади.

Шу кунларда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг ҳудудий босқичлари қизгин ва мurosасиз баҳсларга бой ўтаётир.

Тошкент шаҳридаги Ҳамза темир йўл касб-хунар коллежида пойтахт туманлари миқёсида голиб деб топилган 11 та жамоа шаҳар биринчилиги учун беллашдилар. Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси, ўрта-маҳсул касб-хунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, соғлиқни сақлаш бошқармаси, маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган спорт ўйинлари жорий йилдан эътиборан фақат ўрта маҳсул касб-

хунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилмоқда.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари низомига кўра, иштирокчилар саф тайёргарлиги, саф қўшиғи, нишонга отиш, турникда тортилиш, ҳарбий топография, граната улоқтириш, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, эстафета, оммавий қиргин қуролларидан ҳимояланиш ва бошқа шартлар бўйича куч синашдилар.

Бундан ташқари ҳар бир жамоа томонидан тайёрлаб келинган ҳарбий варақалар, альбомлар ва вимпеллар мутахассислар томонидан кўриб чиқилди.

– Иштирокчилардаги интилиш, шижоатни кўриб, ҳавас қиласан киши, – дейди Тошкент шаҳар касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Бахтиёр Уматқулов. – Турли шартлар бўйича баҳслашаётган йигитларнинг юксак билими, салоҳияти қалбнигизда гурур, ифтихор ҳиссини уйғотади.

– Ёшларимизни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни Ватанга ва миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялашда бу каби спорт беллашувларининг аҳамияти беқиёс, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ходими Азамат Зоҳидов. – Иштирокчилардаги чаққонлик, тезкорлик, шиддатдан аёнки, ўқув муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фаннини ўқитиш яхши йўлга қўйилган. Бундай мусобақаларда қатнашган ўғлонлар

стуклик шаҳодатномасини қўлга киритганларидан сўнг Ватан ҳимоясига отланадилар, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлайдилар. Табиийки, спортга ошно муҳитда камол топган йигитларнинг бундай шарафли ва масъулиятли вазифани адо этиши, хизмат машаққатларига бардошли бўлишида мусобақалар давомида ўрганган билим ва малакалари жуда асқотади.

Барча шартлар бўйича юқори кўрсаткичларни қайд этган Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент шаҳар ахборот технологиялари касб-хунар коллежи жамоаси (Юнусобод тумани) биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин мезбонлар – Ҳамза темир йўл касб-хунар коллежига, учинчи ўрин Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи (Чилонзор тумани) ҳамда Тошкент молия-иқтисодиёт коллежи (Сирғали тумани) жамоаларига насиб этди.

Бундан ташқари, турли номинациялар бўйича голиб деб топилган спортчилар ташкилотчилар томонидан Фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирландилар.

– Ўзаро ҳамжиҳатлигимиз, ғалабага бўлган иродаимиз туфайли голибликка сазовор бўлдик, деб уйлайман, – дейди илғор жамоа сардори Бобур Бешимов. – Мусобақалар давомида билим ва тажрибаларимизни оширдик, кўплаб дўстлар орттирдик. Уйлайманки, республика боқичида шахримиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, билдирилган ишонччи оқлаймиз.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.
Муаллиф суратга олган.

СПОРТ

Эркин ва юнон-рум кураши

ТУРНИР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Тўрт кун давомида пойтахтимиздаги муҳташам «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича FILAнинг Golden Grand Prix туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнир – «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» мусобақалари бўлиб ўтди. Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи мазкур турнирда Россия, Украина, Марокаш, Жанубий Корея, Япония, Грузия, Ҳиндистон, Эрон сингари жаҳоннинг 15 мамлакатидан келган 200 га яқин кучли курашчилар иштирок этишди. Етти вазн тоифасида ўтказилган беллашувларнинг дастлабки икки кунда юнон-рум кураши усталари голиблик учун гиламга чиқишди. Қувонарлиси, дастлабки кун 55 кг вазн тоифасида иштирок этган Элдор Ҳафизов ва иқтидорли ёш курашчи, Қуролли Кучлар хизматчиси Санжар Жумашев баҳсларни муваффақиятли ўтказиб, мухлислар ва мутахассислар ишончини оқлашди. Барча рақибларини мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз финалда ўзаро рўбарў келишди. Ҳал қилувчи беллашувда тажриба ўз сўзини айтиб, Осиё чемпиони ва қатор халқаро турнирлар голиби, Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Э. Ҳафизов галаба қозонди ва олтин медалга сазовор бўлди. С. Жумашев эса кумуш медал билан тақдирланди. Улардан ташқари, биринчи кунги баҳсларда вакилларимиздан В. Гегешидзе (84 кг) кумуш, С. Хўжаев (120 кг) бронза медалларига сазовор бўлишди.

Юнон-рум кураши бўйича 60, 74, 96 кг вазн тоифасидаги голиб ва совриндорлар номи турнирнинг иккинчи кунда маълум бўлди. Жумладан, 74 кг вазн тоифасида гиламга чиққан яна бир Қуролли Кучлар вакили – Осиё чемпионати совриндори ва бир қатор халқаро мусобақалар голиби Жаҳонгир Мўминов барча рақибларини доғда қолдириб, терма жамоамиз жамғармасига иккинчи олтин медални туҳфа қилди. Иқтидорли ёш курашчиларимиздан саналган Ш. Гумашвили эса бронза медалига сазовор бўлди.

Эркин кураш бўйича ўтказилган беллашувларда Осиё

чемпиони Қурбон Қурбонов (96 кг) муваффақиятли иштирок этиб, шохсупанинг юқори поғонасидан жой эгаллади ва жамоамиз ҳисобидаги олтин медаллар сонини учтага етказди. Шунингдек, 60 кг вазн тоифасида Д. Мансуров кумуш, 66 кг вазн тоифасида И. Наврўзов ва А. Воҳидов ҳамда С. Тигиев (84 кг)лар бронза медалларига сазовор бўлишди.

«Мустақиллик кубоги» халқаро турнирига ташриф буюрган кўп сонли фахрий меҳмонлар орасида икки карра Олимпиада чемпиони, кўп карра жаҳон чемпионати голиби Александр Медведь ҳам бор эди.

– Бундай нуфузли мусобақалар ҳозирда фақат уч мамлакат – Ўзбекистон, Швейцария ва Италияда ўтказилмоқда, – деди таниқли полвон. – Шунинг ўзиёқ республикангизнинг кураш оламида эгаллаган юқори нуфуздан далолатдир. Яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим: Тошкентда ўтказилган барча мусобақаларда FILA раҳбари Рафазль Мартинетти шахсан иштирок этди. Ўзим ҳам Ўзбекистон пойтахтига тўртинчи марта ташриф буюришим. Ҳар сафар келганимда юртингизда, Тошкентда бўлаётган ўзгаришлар, турнирнинг йилдан-йилга янада юқори савияда ташкил этилиши мени лол қолдиради.

– Ўзбекистон – чинакам полвонлар юрти, – дейди FILA президенти Р. Мартинетти. – Бугун дунё миқёсида ўтказилаётган халқаро турнир, жаҳон чемпионатлари ва Олимпиадаларда ўзбек курашчилари муносиб иштирок этаётгани ҳам фикримни тасдиқлаб турибди. Шунини алоҳида таъкидлашни истардим: Лондонда бўладиган XXX эъги Олимпия ўйинларига лицензия берувчи саралаш турнирлари 2011 йилда бўлиб ўтади. Гран-при туркумидаги ана шундай турнирни ўтказишга ҳозир 11 давлат даъвогарлик қилмоқда. Улар орасида Ўзбекистоннинг ҳам борлиги қувонарлидир. Ишонаманки, Тошкент нафақат Гран-при туркумидаги баҳсларни, балки Осиё ва жаҳон чемпионатларини ҳам ўтказишга муносибдир.

С. ПЎЛАТОВ.

НАВОЙЛИКЛАР ГОЛИБ

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида ёшлар ўртасида парашют кўкураши бўйича Ўзбекистон очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Иштирокчилар парашютдан сакраш, 800–1500 метрга югуриш (кросс), турникда тортилиш, граната улоқтириш каби шартлар бўйича куч синашдилар. Беллашувда вилоят жамоаларидан ташқари кўшни Қозоғистон Республикасидан ташриф буюрган жами саксонга яқин ёш спортчилар голиблик учун кураш олиб боришди.

Парашютдан сакраш баҳсларининг барчасида навоийлик спортчилар совринли ўринларни эгалладилар. Ўғил болалар ўртасида биринчилик Азиз Шодиевга насиб қилган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни Жасур Жаҳонов ва Сардор Сирожиддиновлар қўлга киритишди. Қизлар ўртасидаги беллашувда Анастасия Лебедовага тенг келадиган рақиб топилмади. Кейинги ўринларни Валентина Гаффард ва Екатерина Слукиналар эгаллашди. Бу баҳсларда умумжамоа голиблигига Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг марказий кон бошқармаси жамоаси сазовор бўлди. Иккинчи ўрин мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкило-

тининг Навоий вилояти кенгашига, учинчи ўрин эса ташкилотнинг Зарафшон шаҳар кенгашига насиб этди.

800–1500 метрга югуриш бўйича ўғил болалар баҳсида кучли учликдан Достон Холиқулов (Анджон вилояти), Азиз Шодиев, Жасур Жаҳоновлар ўрин эгаллашган бўлса, қизлар ўртасидаги мусобақада шохсупага Анастасия Лебедова, Валентина Гаффард ҳамда Индира Полвоновалар (Хоразм вилояти) кўтарилишди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг марказий кон бошқармаси жамоаси муносиб топилди. Кейинги ўринларни Фаргона вилояти ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Навоий вилояти кенгаши жамоалари эгаллашди.

Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Мансур СОБИРҚУЛОВ.

Футбол

МУҲИМ ОЧКОЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

21–22 апрель кунлари Осиё чемпионлар лигаси мусобақалари гуруҳ босқичининг 4-тур учрашувлари бўлиб ўтди. «Д» гуруҳида иштирок этаётган мамлакатимиз чемпиони – Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси мазкур турда Эроннинг «Сепохон» клуби меҳмони бўлди. Ушбу ўйин ҳар иккала жамоа учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Чунки мағлубиятга учраган жамоа кейинги босқичга чиқиш имкониятидан деярли маҳрум бўлиши муқаррар эди. Шунини қувонч билан айтиш мумкинки, учрашувга пухта тайёргарлик кўрган ҳамюртларимиз ўйин давомида устунликни ўз қўлларига сақлаб, 19-дақиқада Т. Копадзе томонидан киритилган гол эвазига 1:0 ҳисобида галаба қозонишди ва кейинги босқичга чиқиш имкониятларини анча яхшилаб олишди.

Мазкур гуруҳдан ўрин олган «Ал-Шабаб» (БАА) – «Ал-Иттифоқ» (Саудия Арабистони) жамоалари учрашувида 1:4 ҳисоби қайд этилди.

Ўтказилган тўрт турдан сўнг «Д» гуруҳидаги вазият қуйидаги кўринишга эга:

	Ў	Ғ	Д	М	Тўплар	О
«Ал-Иттифоқ»	4	3	0	1	11:5	9
«Бунёдкор»	4	2	1	1	5:5	7
«Сепохон»	4	1	1	2	5:5	4
«Ал-Шабаб»	4	1	0	3	4:10	3

«А» гуруҳидан жой олган «Пахтакор» жамоаси эса ушбу турда Эроннинг яна бир вакили – «Саба Баттери» футболчиларини қабул қилди. Мазкур баҳсда аввалги турда ушбу жамоа билан Эронда ўтказилган учрашувга нисбатан пахтакорчиларга анча қийин бўлди. Меҳмонлар Тошкентга фақат галаба учун келганликларини яшириб ўтиришмади. Улар ҳатто, 4-дақиқадаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Аммо ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилган майдон эгалари рақиб дарвозасини икки бор ишғол қилишга эришишди ва 2:1 ҳисобида галаба қозониб, кейинги босқич масаласини ҳал қилишди. Ушбу ўйинда тўпларни Одил Аҳмедов (пенальтидан) ва Станислав Андреевлар киритишди.

Шу гуруҳдан ўрин олган «Ал-Аҳли» – «Ал-Ҳилол» жамоалари ўртасидаги баҳс 1:3 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди.

«А» гуруҳидаги жамоалар турнир жадвалида қуйидагича жой олишган:

	Ў	Ғ	Д	М	Тўплар	О
«Пахтакор»	4	3	1	0	7:3	10
«Ал-Ҳилол»	4	2	2	0	7:4	8
«Саба Баттери»	4	0	2	2	3:5	2
«Ал-Аҳли»	4	0	1	3	3:7	1

Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги тур учрашувлари 5–6 май кунлари ўтказилади. «Пахтакор» ўз майдонига «Ал-Аҳли» жамоасини қабул қилса, «Бунёдкор» сафарда «Ал-Иттифоқ» билан учрашади.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

Атлетический клуб будущего воина

ГИМНАСТИКА – ЭТО ЗДОРОВЬЕ


Упражнение с палкой

Исходное положение: основная стойка, отягощение в опущенных руках. Поднять прямые руки вверх с подъемом на носки – вдох, в исходное положение – выдох (1).

Исходное положение: основная стойка, отягощение в вытянутых вверх руках, встать на носки. Дыхание произвольное (2).

Исходное положение: основная стойка, отягощение за головой (3). Наклонить туловище вперед (4) – выдох, в исходное положение – вдох.

Исходное положение: основная стойка, отягощение в вытянутых вверх руках. Присесть на носках – выдох, в исходное положение – вдох (5).



МАДАНИЯТ

«ВАТАН ЯГОНАДУР — ВАТАН БИТТАДУР»

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан «Ватан ягонадуру — Ватан биттадуру» деб номланган кўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими ва Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройи ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танловда пойтахтимиздаги бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг истеъдодли ўқувчи ва талабалари иштирок этдилар.

Ўзбекистон! Шу муқаддас заминга киндик қони тўкилган, жаннатмакон юртнинг кенг кўчаларида тетапоя қилиб катта бўлган инсон борки, уни севади, ардоқлайди. Ватандин яхши ёр бўлмас, деган сўз айни ҳақиқат. Чиндан ҳам Ватандан азиз, Ватандек муқаддас, Ватандек улғу маскан дунёда йўқ. Ватан бешигимиздир — дунё уйига йиғлаб келганимизда овулган бешик, Ватан кўшигимиздир — етмиш икки томир кенгликларидан меҳр ундирилган суюк бир кўшиқ. Мунис онам айтган алла навалари бирла томиримда ҳаёт янглиғ оққан, бувижоним айтган эртақлар туфайли жажжи тасаввуримда ғужғон ўйнаган саволларимга бугун жавобим — Ватан!

Ватан! Не мўъжиза, не синоатдирки, у ҳақда кўшиқ эшитган ҳамон қалбимиз эзгу ҳисларга чулғанади?! Юртимизнинг энг майда гиёҳидан тортиб улкан тоғларигача, сарҳад билмас кенг яйловларидан сермавж дарёларигача бизга сирли, ёқимли ва муқаддас туюлаверади.

Донишмандлардан бири Ватан ҳақида гапирар экан, шундай дейди: «Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишиданоқ ўз маконларини биладилар, унга меҳр кўядилар, осмонда учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва бошқа ҳашаротлар ҳам хавф сезилса ўз уйлари жон-жаҳдлари билан муҳофаза қиладилар, — шулар каби одамлар ҳам қаерда туғилиб, парвариш топсалар, ўша жойга чексиз меҳр кўяди».

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган кўрик-танловни томоша қилар эканмиз, ҳаёлимиздан ана шундай фикрлар ўтди. Зеро, кўшиқчилик санъатининг ўзига хос таровати, жозибаси бор. У дил-

ларга гўзаллик, нафосат ва меҳр уруғини экади. Айниқса, юракдан куйланган кўшиқ қалбга ҳаловат ва ҳузур бағишлайди. Инсон борки, кўшиқ тинглаганда бу беҳудуд дунёни бир лаҳза унутиб, кўшиқ сеҳрига мафтун бўлади, оҳанг ва унинг мавжиги сингиб кетади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Юраги юртга бўлган меҳр-муҳаббатдан тўлиб-тошган истеъдодли йигит-қизларнинг чиқишларини томошабинлар олқишлар билан кутиб олишди. Айниқса, лицей ўқувчилари Дониёр Бўлтаев, Сардор Расулов ва талабалар Шерзод Азизов, Руслан Саъдуллаев, Шаҳноза Толибжоноваларнинг ижрочилик маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳолашиб, энг яхши кўшиқ ижрочилари дея эътироф этилди.

Севара Аҳмедова Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда таълим олади. Ёшлигидан санъатга меҳри баланд бу қиз ялла ва лапарларни маромига етказиб ижро этади. Мазкур танловга Севара анъанавий ижрочилик йўналишидаги «Ватаним» деб номланган таронани тайёрлаб келган.

— Кўшиқ куйлашни энг сеvimли машғулоти деб билман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Шу боисдан ҳам дарсдан бўш вақтларимда кўшиқ айтишни яхши кўраман. Бугунги танловда биринчи марта катта сахнага чиққаным учун ҳам бироз ҳаяжонландим. Лекин томошабинларнинг олқишлари менга далда бўлди. Кўшигим томошабинларга манзур бўлган бўлса, мен ўзимни бахтиёр деб билман.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Сергей Цой ҳам танловда ўзининг бетакрор истеъдод соҳиби эканлигини намойиш қилди. Унинг ўзбек урф-одатларини тараннум этувчи «Чойхона» кўшиғи ижро-



услубининг ўзига хослиги билан томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Танлов ниҳоясида ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб ва совриндорлар эълон қилинди. Унга кўра, танлов ғолиблиги Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Руслан Саъдуллаевга насиб қилди. 2 ва 3-ўринларни эса Дониёр Бўлтаев ва Шерзод Азизовлар эгаллашди.

Гулнора ХОЖИМУРОВА.

МУСИҚАГА ОШНО БУ ҚАЛЪЛАР

Пойтахтимиздаги А. Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ва musiқага ихтисослаштирилган махсус мактаб интернатининг 65 йиллигига бағишланган байрам концерти бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда чегара қўшиқлари ҳарбий оркестрлари, мактаб интернатининг ижодий жамоаси, шунингдек, 21-меҳрибонлик уйининг ҳарбий-спорт синфларида таҳсил олаётган тарбияланувчилар, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон musiқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зурур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда musiқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш

тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар musiқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб ташкил этилган мазкур тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Томошабинлар мактаб ўқувчилари томонидан маҳорат билан ижро этилган миллий ва жаҳон мумтоз musiқаси дурдоналаридан баҳраманд бўлиш билан бир қаторда мактабнинг ўзига хос тарихи, анъаналари, эришган ютуқлари тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлдилар.

— Мактабимизда таҳсил олган ўқувчилар бизнинг ифтихоримиз, — дейди махсус мактаб интернатининг бўлим

бошлиғи Миркарим Мирзокиров. — Уларнинг кўпчилиги бугун эл ардоғидаги санъаткорлардир. Ёш авлодга таълим-тарбия беришда ўз анъанамиз, йўлимизга эгамиз. Ўқувчиларимиз ичида умидли, келажаги порлоқ ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Байрам концертида улар устозларидан ўрганганларини намойиш қилишга ҳаракат қилдилар.

— Концертни барча мароқ билан томоша қилди, ёш санъаткорлар ижросидаги ажиб куй-кўшиқлар кўнгилларга хушнудлик олиб кирди, — дейди 21-меҳрибонлик уйининг ҳарбий-спорт синфлари раҳбари Актам Раҳмонов. — Айниқса, тарбияланувчиларимиз тадбирдан олам-олам таассуротлар билан қайтдилар. Қувонарлиси, бугун бизга ўз байрам дастурларини ҳавола этган ёш истеъдод эгалари томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Абдуллоҳ НИЁЗОВ.
Муаллиф суратга олган.



ВАТАНПАРВАР

Муассис — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Учредитель — Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ — кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим КҮЧҚОРОВ, Алишер МУНИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОВ, Шухрат ТҶУХТАЕВ, Абдусаттор ЭРТАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАЎЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.

Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор А. КАМОЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи — 256 09 81; обуна бўлими — 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нукта назаридан фарқланши мумкин. Таҳририятга келган кўабмалар, хатлар ва суратлар таҳли қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уюлда chop этилди. Босмакхона манзили: Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятнинг компьютер марказида Р. Исмаилов ва Э. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. Адади 25750.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № J-7280.